

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган

2013 йил 1 сентябрь. Якшанба №73-74-75 (935-936-937)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йиғирма икки йиллигини билад руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртдошларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойлиқларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, узлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни яна соғиниб, қадриятларимизни, дину диёнатиимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолиимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустақилликнинг асоси бўлиши, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурбонликни талаб қилади, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етуқ ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлоднинг камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йиғирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисо-

диётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очирилиб, обод бўлиб бораётганини кўз унгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустақил асос ва қудратли замин бўлади.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, биз кеча ким эди-гу бугун ким бўдик?

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштириладиган минтақага айланган бўлиши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизнинг жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврга ўзини ўзи боқиб қурбон етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бутун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айланган барчамизга гурури-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Элюртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръат-

ларини ўзида яққол ифода этадиган курсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 баробар ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фойиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиқлол йилларида ёқилги-энергетика, галла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустақиллиги, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга ўзайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далolat беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тула жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқдор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омили ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли ушайдиган, сийсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси то-

бора ўсиб бораётган, ўз келажакни, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқимиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққиёт топган мамлакатлар қаторига қўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Хурматию юртдошларим!
Бугун биз бошимиздан кечирётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли туқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, қузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳўшёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳўкм сўраётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳилик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳўрмат ва ҳамжиҳатликни янада қўчайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамыз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланган кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу давлатни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам кўвончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча ҳўрматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тиллашимизни изҳор этишга, уларнинг барчасига сийҳат-саломатлик ва ишларида янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мана шу унутимас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қол-

дириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнатқаш ва бағрикенг халқимизга беқиёс ҳўрматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш уйғал-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажак буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бутун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқайтган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-гайратга тулган қади-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта гурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун бори-борини бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо балад қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизнинг бўлишини истардим.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганининг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Собиқ мустақил тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари номинишонсиз кўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зиёратгоҳга айлантирилди.

2000 йилда бу ерда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибиде «Қатагон қўрбонлари хотираси» музейи ташкил қилинди.

31 августни Қатагон қўрбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланган. Ушбу анъанага кўра 31 август тонгида «Шаҳидлар хотираси» хиёбониде халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими

ўтказилди. Қўрбон тиловат қилиниб, қатагон қўрбонлари руҳига ҳўрмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мана шундай муборак жойларда, халқимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган минг-миглаб ватандошларимизни эслар эканми, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўқналик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёдан ўтади. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

(Давоми 3-бетда.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 август кунини Оқсаройда мамлакатимизга таширф буюрган Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Эни Фалеомаваега ва Жеймс Патрик Моранни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга таширфи билан қўнғулар экан, уларнинг Мустақиллик байрами нишонланаётган кунларда келгани мамлакатимиз тўғрисида, ўзбек халқининг бой маданияти, маънавий ва тарихий мероси ҳамда анъаналари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беришини таъкидлади.

«Парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференцияда АҚШдан нуфузли делегация иштирок этгани ўзаро ҳамкорлик кенгайтириб бораётганидан яна бир далolat бўлди.

Қайд этилганидек, ривожланиб бораётган парламентларо алоқалар Ўзбекистон-АҚШ мулоқотининг муҳим йўналишларидан бириндир.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Учрашувда илгор АҚШ технологияларини жалб қилган ҳолда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Конгрессменлар Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этдилар, Самарқандда «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали муваффақиятли ўтказилгани билан қўнғуландилар.

Эни Фалеомаваега ва Жеймс Моран самимий қабул ва икки томон учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШда Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидладилар.

ЎЗА.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



Мустақиллик туҳфа қилинмайди. Жасорат ва матонат билан қўлга киритилади. Мустақиллик кунини халқимиз энг улуғ, энг азиз айём, деб билади. Бу шонли санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафқат, ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб тароват бахш этган. Кўчаларни тўлдирган одамлар чироқлар нуридан шўълаланаётган муаззам майдон томон ошиқлади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳўкумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари таширф буюрган.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни

қарсақлар билан кўтиб оладилар. Чорлов мусиқаси байрам шодлиғини бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йиғирма икки йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат маҳжиси ижро этилади.

Майдонга ўрнатилган йирик мониторларда Президентимизнинг 1991 йил 31 август кунини парламент минбариде нутқ сўзлаётган сиймоси намойён бўлади. Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилади.

Бу сўзлар ҳўрриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг ўзига муносиб ҳўрмати ва ҳўқуқини рўёбга чиқарди.

Бу йил энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз буйлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу гоя асосида нишонланмоқда. Бу шорда истиқлолнинг мазмун-моҳияти, мустақиллик туғайли ҳис этганимиз инжа туйғулар ўз аксини топган.

(Давоми 2-бетда.)



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



ЎзА сурати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида халқимизнинг турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда. Бу аҳоли даромадларининг изчил усаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намоён бўлди. Бугун юртимиздаги оиаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий автомобилга эга. Аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган.

Мамлакатимиз ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оиаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги бўйича жаҳон ҳам-жамиятида кўплар ҳавас қилган юксак ўринларни эгаллаб турибди.

...Даврага болалар чиқиб келади. Уларнинг шўх-шодон кулгулари, кувноқ рақс ва қўшиқларидан диллар ярайди. Истиқлол йилларида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вожа етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узулсиз таълимнинг ноёб механизми яратилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди. Янги университет, институт ва академиялар ташкил этилиб, энг ноёб мутахассисликлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунинг самарасида барча соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёж таъминланмоқда. Бугун умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча bosqichlarda замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жистонан чиққан, эhtiётли мустақкам авлод вожа етмоқда.

Ешларимиз энг нуфузли халқаро танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч қимдан кам эмаслигини исботламоқда. Жорий йилда мамлакатимиз ўқувчилари қимматли буючига 47-халқаро Менделеев олимпиадасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида амалга ошириладиган кенг қўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустақкамлаш, соғлом оилани шакллантиришда муҳим омили бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Еш авлодни қиммат инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланган. Айни пайтда бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб бориладиган ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одамлар эркин нафас оладиган жамият барпо этилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустақкамлаб қўйилди. Бунинг ҳаётий ифодасини мамлакатимизда яшайётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқарилаётгани, одамларнинг дунёқарашини, ҳаётга ва меҳнатга муносабатини юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар урнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йнгирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 46 дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШХТ, МДҲ, Ислам конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо.

Ўзбекистон халқаро муносабатларида асосли ва эзу таъаббуслари билан жаҳон оммаси ҳурматида қозонмоқда. Дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш, гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги сый-ҳаракатлари самарасида мамлакатимизнинг жаҳон сиёсат майдонидаги обрў-эътибори ва нуфузи торашиб бормоқда.

«Бу Ватан сенингдир». Қалбларга ҳаяжон солувчи, Ватанга дахлдорлик туйғуларини уйғотувчи ушбу қўшиқ садолари остида майдонга озодликнинг ва тинчликнинг мустақкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келди.

Эл-юртимиз осойишталиги, мамлакатимиз хавфсизлиги ишончини қўларда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов раҳнаомлигида замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириладиган тизимли ислохотлар бунда муҳим омили бўлади.

Тинчлик — тараққий ва фаровонликнинг энг муҳим омил. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарор-

лиги туйғайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг изчил амалга ошириладигани самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Бундай юксак натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар муҳим омили бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибига юқори қўшимча қийматга эга махсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётди.

Хозирги кунда янги ички махсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқариладиган саноат махсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ ҳўжалик махсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига туғри келмоқда.

Бу 2012 йил 14 сентябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилди.

Қишлоқ ҳўжалигида янги мулкчилик шакллари жорий этилган, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилган, энг муҳими, меҳнатга муносабатини ўзгартириш самарасида Ўзбекистон қисқа вақтда галла мустақкамлига эришди.

Жорий мавсумда деҳқонларимиз 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этди. Бу рақамни 90-йиллардаги ҳолат билан қиёслаганда ҳосилдорлик 3 қаррадан кўпроқ ошган, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд бўлган. Мустақкамликкача дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз айни пайтда ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда.

Янги боғлар, тоқзорлар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, балқичилик каби тармоқлар ривожланаётгани натижасида бозорларимиз туқин, дастурхонимиз файзли, баракали. Сабзавот, картошка, полн экинлари, мева, узум етиштириш, мевасабзавот махсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётди.

...Оҳангарли эзгулик нишонналари бўлиб, байрам саҳнасида мумтоз санъатимиз дурдоналари янграйди...

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихини билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран иддиз-

ларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

Истиқлол йиллари Ватанимиз учун маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-маданий меросимиз тикланди. Юртобимизнинг ташаббуси билан Амир Темурут, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Манғуберди, Алишер Навоий сингари улуг болаларимизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Имом Бухорий, Абдуқолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Моғуридий, Аҳмад Фароний, Бурхониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз, азиз-авлиёларимиз хоки-поклари обод, руҳлари шод этилди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейни халқаро миқёсда нишонлаш анъана тусини олди. Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари қадим ва муаззам шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш асосида тарихимизни янада теран ўрганиш, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз идрозларини чуқур тадқиқ этиш, шундай улуг аждодлар ворислари эканимиздан чексиз фахру ифтихор туйди.

Халқимиз даҳосининг бой маданий-маънавий қадриятларидан саналган «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алломчи»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмул академиясининг 1000 йиллиги катта байрамга айланди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатини турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қўватлашга хизмат қилаётди.

«Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги ҳам узига хос маданият ва санъат байрамга айланди. Ҳафталик доирасида ўтказиладиган «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ» халқаро театр фестивали, Халқаро Тошкент фестивалининг қабил йирик лойиҳаларида мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнерлик, мода, меъморлик каби қўлаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намоиш этилмоқда.

Президентимиз тақлифига биноан 2013 йил мамлакатимизда Обод турмуш йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг гоёси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режалаштиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва қўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қўлай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилган бунинг далилидир.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган эътибор самарасида шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут камайиб бормоқда.

Шу йилнинг 17 апрель куни пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой курилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омил» мавзусидаги халқаро конференцияда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

2009-2012 йилларда Қоракўлпигон Республикаси ва

вилоятларда 23,6 минг замонавий уй-жой, уларга мос инфратузилма барпо этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 10 мингта яқна тартибдаги замонавий уй-жой барпо этилмоқда. Мустақкамлик байрами арафасида қўлаб ана шундай уйлар ўз эгаларига топширилди.

Бундай имкониятлар оиаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало, уй бекаси бўлиш опа-сингиллари мизнинг огирини енгли қилишга хизмат қилмоқда. Аёлларимиз рўзгор ташвишларидан орттириб, ўз қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқармоқда. Фарзандларини соғлом ва баркамол этиб вожа етказмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар мамлакатимиз тараққийотида муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Биз бахтли авлодимиз — шундай бир улуг тарихий даврга яшаймиз, — дейди байрам тантаналарида иштирок этган Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Муфассалхон Пулатова. — Ота-боболаримизга армон бўлган, мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берган мустақкамликни кўриш бизга nasib этди. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили улкан ўзгаришлар, тарихий воқеаларга бой бўлади. Юртобимиз раҳнаомлигида эришилган бундай улкан ютуқлар мана шу тантаналар шукўҳида, юртодошларимизнинг очик чеҳрасида ҳам яққол кўришиб турибди.

— Ўзбекистон мустақкамлиги байрамида иккинчи марта иштирок этаётганидан мамнунман, — дейди Хитой Халқ Республикаси дипломати уртасида дипломатия муносабатлари урнатилганининг 21 йили мобайнида икки томонлама алоқалар барқарор ва жадал ривожланиб бормоқда, стратегик шериклик урнатилди, сиёсий ўзаро ишонч тора мустақкамланмоқда, барча

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қўтловларини йўллашган:

Франция Республикаси Президенти	Франсуа Оланд;
Ҳиндистон Республикаси Президенти	Пранаб Мукержи;
Нидерландия Қироли	Виллем-Александр;
Австрия Республикаси Федерал Президенти	Хайнц Фишер;
Рим-католик черкови раҳбари	Папа Франциск;
Латвия Республикаси Президенти	Андрис Берзиньш;
Венгрия Президенти	Януш Адер;
Чехия Республикаси Президенти	Милош Земан;
Словакия Республикаси Президенти	Иван Гашпарович;
Болгария Республикаси Президенти	Росен Плевнелиев;
Сербия Республикаси Президенти	Томислав Николич;
Греция Республикаси Президенти	Каролос Папуляс;
Португалия Республикаси Президенти	Анибал Кавакко Силва;
Туркия Президенти	Абдуллоҳ Гул;
Украина Президенти	Виктор Янукович;
Озарбайжон Республикаси Президенти	Илҳом Алиев;
Беларусь Республикаси Президенти	Александр Лукашенко;
Қирғизистон Республикаси Президенти	Алмазбек Атамбаев;
Тожикистон Республикаси Президенти	Имомали Раҳмон;
Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи	Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд;
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи	Абдуллоҳ II;
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси	Маҳмуд Аббос;
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти	Чонг Тан Шанг;
Сингапур Республикаси Президенти	Тони Тан Кен Ям;
Тайланд Қироли	Пумпюн Адуаядет;
МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи Котиби	Сергей Лебедев.

Мамлакатимиз мустақкамлигининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қўтловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаklar изҳор этилган.

Жумладан, йўланган табрикларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан самимий қўтловларимни қабул қилайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққийот йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритди, минтақавий ва халқаро ишларда фаол қатнашиб келмоқда.

Россия-Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида жадал ривожланиб бормоқда — хусусан, яқинда Москвада бўлиб ўтган музокараларимиз буни тасдиқлади. Аминманки, биргаликдаги сый-ҳаракатлари-

миз билан сиёсий мулоқотни янада кенгайтиришни, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни кучайтиришни таъминлаймиз. Бу — Россия ва Ўзбекистон дўст қўтловларининг манфаатларига тўла мос келиб, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлашга хизмат қилади.

Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саodat ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман. Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси мустақкамлиги эълон қилинган куннинг 22 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, Хитой халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга самимий қўтловларимни ва энг эзгу тилақларимни йўллайман.

Ўзбекистонда Сиз, Жаноби Олийларининг раҳнаомлигинида ўтган 22 йил мобайнида барча соҳаларда амалга ошириладиган изчил ислохотлар самарасида иқтисодий жадал ривожланмоқда, хаёқ турмуши сезиларли равишда яхшиланиб, давлатингизнинг халқаро ва минтақавий ишлардаги роли муттасил юксалиб бормоқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон давлат қурилишида бундан буён ҳам янгидан-янги улкан зафарларга эришаверади.

Хитой Халқ Республикаси уртасида дипломатия муносабатлари урнатилганининг 21 йили мобайнида икки томонлама алоқалар барқарор ва жадал ривожланиб бормоқда, стратегик шериклик урнатилди, сиёсий ўзаро ишонч тора мустақкамланмоқда, барча соҳалардаги амалий ҳамкорлик кенгайиб, халқаро ишлардаги ўзаро муносабатларимиз фаоллашмоқда. Томонлар ҳар икки давлатнинг туб манфаатларига таалуқли масалаларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Сиз, Жаноби Олийларининг тақлифингизга биноан яқинда мамлакатингизга илк давлат таширифи билан бораман. Ташриф асосида Сиз, Жаноби Олийлари билан ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатлар, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ба-тафсил фикр алмашишга, шунингдек, ҳамкорлигимиз самаралари мамлакатларимиз ва халқларимизга катта наф келтириши учун ўзаро алоқаларимизни янада ривожлантиришга оид режалар ишлаб чиқишга тайёрман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустақкам соғлиқ ва юксак масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Дўст Ўзбекистоннинг қудрати янада ошиши ва равнақ топишини, халқининг эса бахти ва фаровонлиги тора юксалаверишини тилаб қоламан.

Си Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси

Франция Республикаси Президенти Франсуа Оланд;

Ҳиндистон Республикаси Президенти Пранаб Мукержи;

Нидерландия Қироли Виллем-Александр;

Австрия Республикаси Федерал Президенти Хайнц Фишер;

Рим-католик черкови раҳбари Папа Франциск;

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш;

Венгрия Президенти Януш Адер;

Чехия Республикаси Президенти Милош Земан;

Словакия Республикаси Президенти Иван Гашпарович;

Болгария Республикаси Президенти Росен Плевнелиев;

Сербия Республикаси Президенти Томислав Николич;

Греция Республикаси Президенти Каролос Папуляс;

Португалия Республикаси Президенти Анибал Кавакко Силва;

Туркия Президенти Абдуллоҳ Гул;

Украина Президенти Виктор Янукович;

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев;

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон;

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи Абдуллоҳ II;

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси Маҳмуд Аббос;

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чонг Тан Шанг;

Сингапур Республикаси Президенти Тони Тан Кен Ям;

Тайланд Қироли Пумпюн Адуаядет;

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи Котиби Сергей Лебедев.

Қўтловлар келиши давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА мухбири.



АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Давлатимиз раҳбари уламо-лар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда, бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, оддимида турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Биз мустақиллик йилларида азалий қадриятларимиз, дину дённатимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш йўлида қандай катта ишларни амалга оширганимиз элу юртимизга яхши маълум. Лекин бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт ва унинг ўткир талаблари маънавият соҳасида янги вазифаларни оддимида кўймоқда. Бутун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бу борада она заминимиздан етишиб чиққан, дунё илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган улуг мутафаккирларимиз, олим уламоларимиз мероси, албатта, беқиёс аҳамиятга эга. Бу уринда гап ана шу бебаҳо бойлиқдан оқилона фойдаланиш, уни фарзандларимиз, ёш авлодимизга ҳаққоний ва безавол етказиш ҳақида бораётганини, ўйлаётганини, ҳаққоний яхши тушунаш. Яъни, бошқача айтганда, бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англаётган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамнинг давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг мураккаб ва яқин ҳудудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарам-қаршилик ва қонли туқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десак, ян-

лишмаган бўламиз, деб сўзини давом эттирди Президент Ислоҳ Каримов.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинч ва оёқсиз ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган бундай хатарларнинг салбий таъсирини, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу уринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг ҳудудимиздан четда, бизга дахли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

Энг ёмони, бундай ғоявий хуружлар турли йўллар билан, устамонлик билан олиб борилаётгани соғлом фикрни ҳар бир одамни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ғаразли кучларнинг асосий нияти — ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган, содда ва гўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабил ниятлари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳаққоний мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб ке-

лаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қўтқуларга учмаслиги, турри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуролантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний моҳиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳам-жиҳатлик дини эканини турри тушунтириб беришимиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваломбор, ёш авлодга ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак.

Шу маънода, бутун ислом олами юксак ҳурмат ва эҳтиром билан Эътироф этадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Могурий, Бурхониддин Марғиний, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу уринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг ҳудудимиздан четда, бизга дахли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёнинг мураккаб ва яқин ҳудудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарам-қаршилик ва қонли туқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десак, ян-

лишмаган бўламиз, деб сўзини давом эттирди Президент Ислоҳ Каримов. Бундан ташқари, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинч ва оёқсиз ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган бундай хатарларнинг салбий таъсирини, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу уринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг ҳудудимиздан четда, бизга дахли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

нига ишонч ҳосил қиламан.

Бундай табаррук асарларнинг долзарб аҳамияти шундаки, улар дунёнинг айрим ҳудудларида одоб-ахлоқ асосларига болта урилаётган, «оммавий маданият» кўринишлари тобора кенг тарқалиб бораётган бир вазиятда, бамисоли инсониятнинг кўзини очиб берадиган, уни огоҳ этадиган бонг каби янграмоқда.

Ислом маданияти, ислом фалсафасининг қадимий марказларидан бири бўлган бизнинг муқаддас заминимизда камол топган ана шундай улуг олиму уламолар, азиз-авлиёларимизнинг ўлмас меросини, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб ташвиқ қилиш, Ўзбекистонимизда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан дунё жамоатчилигини кенг таништириш мақсадида юртимизда, хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий халқорол имомий марказида турли илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, аини мудоао бўлуру эди.

Мана шундай ноёб меросимизни, такрор айтаман, эл-юртимизга, фарзандларимизга етказишда мен уламоларимиз, кўпни кўрган оқсоқолларимиз, маҳалла фаоллари, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз янада фаоллик кўрсатишини истардим, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Шу кун Президентимиз Ислоҳ Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёғдорлик пойига гуллар қўйди.

ЎЗА.

МАСЛАҲАТЧИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ҚАДР ТОПАДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Аҳмадjon аканикига тўйга... Эшитмадим деманглар, тўйга...

Уфқ эндигина ёришиб келаётган маҳал кўчадан эшитилган бу овоздан уғнин кетган Хатиранинг хаёлига дарров бундан бир неча кун аввал маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги қудалар учрашуви келди.

Ушанда эндигина тўй ҳаракати-га тушган қудалар маросимларни камхарж, олд-бердиларни қисқартирган ҳолада ўтказиш бўйича маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиси билан суҳбатга келишганди. Маҳалла идорасидан ҳар икки томон бир тўхтама келиб, хурсанд кетишди. Мана, бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш бахтли ҳаёт оstonасига қувончу шодликка тўлиб қадам қўйишмоқда.

Наманган вилояти Норин туманидаги Қўрғонтепа қишлоғида жойлашган «Тегиримонбоши» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хатира Маширапованинг оддий иш кунлари шундай эзгу ишларга йўрилган.

Фуқаролар йиғини идорасида Яранштириш комиссияси аъзолари билан уйга кетиб қолган ёш келинчакни қайтариб олиб келиш, маҳалладаги ёшларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказиш бўйича ўзаро фикр алмашаётган бир вақтда унга вилоят марказидаги йиғинга бориши лозимлиги ҳақида хабар келди. Йўловчи машинада кетар экан, қишлоқнинг тобора оқибатга берилаётгани, йулар кенгайиб, бири-бирдан кўркам бинолар, уйлар барпо этилаётгани, эндиликда Нориннинг чекка қишлоқлари ҳам вилоят маркази каби гулларига буржанаётганидан, бу ишларда ўзининг оз бўлса-да, ҳиссаси боришидан қувониб, кўнгил фахрига тўлиб турган эди. Наманган шаҳридаги Саҳovat уйига ҳомийлар томонидан 51422 минг сумлик моддий кўмак берилди.

Фахрийларнинг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда амалга ошириётган хайри ишларидан яна бири бу ёш авлод уртасида ҳарбий ватанпарварлик тўғрисида кўнрақ қилишга қаратилган тадбирлардир. Мудофаа вазирлиги қўшиқдаги жамоатчилик кенгашининг ташкил этилгани бу борадаги фаолиятимиз самарадорлигини оширди. Дастлаб маҳалла аҳлини уюштирган тадбирларнинг кўлами кенгайиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайинлаш мактаблари курсантларини ҳам қамраб олди. Таъбирчан ҳаётий ҳикоялар, даъваткор насаҳатларини тинглаган ёшлар, албатта, эл-юрт мудофааси йўлида мардонвор хизмат қилишлари шубҳасиз.

Хулоса қилиш мумкинки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жамгармаси томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар оқибатда бундан ташқари маҳалла аҳлини уюштирган тадбирларнинг кўлами кенгайиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайинлаш мактаблари курсантларини ҳам қамраб олди. Таъбирчан ҳаётий ҳикоялар, даъваткор насаҳатларини тинглаган ёшлар, албатта, эл-юрт мудофааси йўлида мардонвор хизмат қилишлари шубҳасиз.

Ушанда эндигина тўй ҳаракати-га тушган қудалар маросимларни камхарж, олд-бердиларни қисқартирган ҳолада ўтказиш бўйича маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиси билан суҳбатга келишганди. Маҳалла идорасидан ҳар икки томон бир тўхтама келиб, хурсанд кетишди. Мана, бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш бахтли ҳаёт оstonасига қувончу шодликка тўлиб қадам қўйишмоқда.

Она маҳалладаги хотин-қизлар бошини қовуштириш, қизлар оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш ва ажримларнинг, вояга етишганлар уртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида фидоийлик кўрсатиб келмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда «Тегиримонбоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқинбой Қўрбонov. — Аиниқса, у кишининг кундалик вазифаларини алоҳида дафтарга ёзиб бориши, кун якунида уларнинг ижросини бир-бир таҳлил қилиши, ўзлари қониқмаган масалаларда тортинмай фаолларни ёрдамга чақиритиши эътирофга лойиқ. Мана шундай аниқлик боис, маҳалламизнинг барча соҳалардаги илмий таъриблик ишлар йил сайин ортмоқда. Жумладан, кейинги йилларда оилавий ажримларнинг кескин камайгани, эрта никоҳга умуман йўл қўйилмагани, ёшлар уртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилмагани бунинг яққол далилидир. Маслаҳатчи опазининг дафтарларида маҳалламиз-

нинг ҳаёти тўла акс этган, десам муболага бўлмади. Унда маҳаллага оид барча маълумотлар, қудалик ҳаётда учраётган муаммолар, қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб борилади.

Маслаҳатчи ташаббуси билан фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғраги, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини кучайтириш, касаначилик ва ҳунармандчиликни оммагаштириш, «Устоз-шогирд» йўналишини ривожлантириш орқали уй бекаларини доимий иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан кўнгилмиз кутарилди. Дарҳақиқат, Х.Маширапованинг бой таърибаси, одамлар кўнглига йўл топа олиши, улар муаммосини, қувончу ташвишини ўзиникидек қабул қилиб, ҳамдард, ҳам-фикр бўлиши ва биргаликда ечим топиши ўз самарасини бермоқда.

— Юртимиздаги ҳар бир фараҳбахш ўзгариш ич-ичимдан қувончимга сабаб бўлади, — дейди Хатир Маширапова. — Бу йил маҳалламизда 500 уринга мўлжалланган янги, замонавий мактаб биносининг қурилиши истиқлолимизнинг йиғирма икки йиллик тўйига муносиб совға бўлди. Ана шундай шароитларга эга ёшлар, албатта, Ватан раванга, халқ фаровонлигини йўлида хизмат қиладиган етук инсонлар бўлиб қўлайишга шубҳа йўқ. Илгарилари аскар маҳалладошларимиз деҳқончилик билан шуғулланарди. Энди эса 2500 нафардан ортиқ киши истиқомат қилувчи «Тегиримонбоши»да 20 дан ортиқ тадбиркор, шунча ҳунарманд бор. Ундан ортиқ савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Яна бир қувонарли жиҳати, деярли 500 та хонадонимиз ўз шахсий автобонила эга. Буларнинг бари истиқлол берган имкониятдир.

Юртимизда меҳнат қилган инсон борки, қадр тоймоқда. Менинг ҳам арзимас хизматларим муҳтарам Президентимиз томонидан муносиб баҳолангани ва юксак эътироф этилганидан ниҳоятда руҳландим. Очиги, ҳозирга қадар ана шу ҳаяжон оғушида юрибман. Аиниқса, мамлакатимиз пойтахтида ташкил этилган тантанали тақдирлаш маросимида қатнашиб, кўрсатилган ҳамғўрликдан бошим осмонга етди. Бунинг нафақат менга, балки бутун маҳалламизга, фаолларимизга берилган муқофот, деб биламан. Эндиликда маслаҳатчи сифатидаги фаолиятимни янада кучайтириб, ушбу унвонга муносиб бўлишга интиламан. Оқсоқолларимиз, фаолларимиз билан биргаликда маҳалламизни вилоятдаги энг намунали маҳаллалардан бирига айлантириш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Хатир Машираповани билан узоқ суҳбатлашдик. Ишга нисбатан талабчан, аёлла маърифатини таъминлаш йўлида ҳеч нарсадан тап тормайдиغان маслаҳатчи, дея таърифланган опанинг гайрати, шижоати ҳавасимизни келтирди. Зеро, унинг фидоий инсонлиги шундоқ юз-кўзларидан, ҳароратли сузларидан билиниб турибди. Муносиб рағбатдан янгича куч-шижоат олган аёл бундан-да улкан ютуқларни қўлга киритиши шубҳасиз.

Илҳомjon МУСАЕВ.

НУРОНИЙЛАР — ХОНАДОН КЎРКИ

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ОГУШИДА



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Бугунги ислохотлар изчиллигини таъминлаш, кўзланган мақсадларга эришишда ёши улуг, пиру бадавлат нуронийларнинг сермаҳсул ҳаёт тажрибалари, кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланган, жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани фахрийларга янада куч-ғайрат бағишламоқда.

Аиниқса, «Нуроний» жамгармасининг мамлакатимиздаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, миллатлараро тугувлик ва бағрикенгликни тарғиб этишда етакчилик қиладигани эътирофга лойиқ. Минглаб фахрийларни бирлаштирган мазкур ташкилотнинг фаолият йўналиши, мақсад ва вазифалари «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг йўналишларга ҳамроҳдир. Ҳамкор ташкилотлар фаолиятидаги ушбу муштараклик қатор хайри мақсадларнинг самарали амалга оширишига оми бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Уч авлод учрашуви» мавзусидаги давра суҳбатларини ташкил этиш тўғрисидаги қўшма

қарорга мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жамгармаси томонидан мамлакатимиз маҳаллаларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Давр синовларидан утган таъриба, мустаҳкам ирода, қатъият ва матонат, истиқлол ғояларига садоқатни намоён этган таъбирчан суҳбатлар ёшларда Ватанга муҳаббат ҳиссини кучайтириш, инсонларнинг қалби ва онига кўтаринкилик бахш этиб, янги марралар сари илҳомлантиришга хизмат қиладиган.

Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича жамгарма ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда яшовчи муҳ-

тожларга протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация-техник воситалари, ногиронлар аравачаси, эшитиш воситалари ва бепул дори-дармон воситалари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан тарқатилди. Ижтимоий ҳимояга олинган ёлғизларнинг барчаси тиббий куриқдан ўтказилиб, қўсоқлаштирилди. Махсус комиссиялар хулосаларига асосан, кўпалаб кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Мамлакатимизда кенг нишонланган умумхалқ байрамлари арасида ҳайриятнинг юртимизда юқори савида кўтиб олингани алоҳида таъкидлаш уринли. Миллатимизга хос меҳр-оқибат, шукроналик, озодалик ва сахийлик каби юксак фазилатларни янада кенгроқ намоён этган ҳамкорлик доирасида ҳудудлар ободонлаштирилди, эҳтиёжман оилалар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолдан хабар олинди, халқимизга хос миллий қадриятларимиз янада мустаҳкамланди.

Рамазон ҳайити муносабати билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамгармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа

лар билан биргаликда нуронийларимиз пойтахт бозорларида маърифий тарғибот ишларини олиб бориб, байрам арафасида нарх-навоининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини уратдилар. Жамгарма миз фаолларининг халқимиз қадриятларига мос тарзда аҳоли ва сотувчилар уртасида тушунтириш ишлари олиб боргани ҳамда «Энг намунали деҳқон бозори» шаҳар куриқ-танловининг ўтказилишида бошқош бўлгани кутилган натижаларни тўхта эди. Обод турмуш йилидаги бу хайри тадбир шахар бозорларида сотувчи ва харидорларга қўлайликлар яратилиши, ўзаро муносабатларни яхшилаш, муомала маданиятини юксалтириш, ободлик ва тозалликка риоя этилишидек хайри амалларни юзага чиқарди.

Жамгарма бўлим ва бўлинмалари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида фахрийлар, хусусан, ёлғиз қариялар, ногиронлар, ўзгалар парваритиши ва кўмагига муҳтож пенсионерларни моддий-маънавий рағбатлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар олиб борилди.

Иккала ташкилот ҳамкорлиги ҳақида гап кетганда, муборак Рамазон ҳайитининг юртимизда юқори савида кўтиб олингани алоҳида таъкидлаш уринли. Миллатимизга хос меҳр-оқибат, шукроналик, озодалик ва сахийлик каби юксак фазилатларни янада кенгроқ намоён этган ҳамкорлик доирасида ҳудудлар ободонлаштирилди, эҳтиёжман оилалар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолдан хабар олинди, халқимизга хос миллий қадриятларимиз янада мустаҳкамланди.

Рамазон ҳайити муносабати билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамгармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга аниқ маъруза моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, кам таъминланган 600 та оилага умумхалқ байрамлари арафасида совғалар топширилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлинмалар томонидан 10 тадан ортиқ техника совға қилинди.

Фонд бўлими томонидан ёлғиз ва боқувчисиз қариюрлик моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Нуроний» жамоатси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбирда 900 минг сўмлик совғалар топширилди.

Аҳолининг маданий-маърифий своясини юксалтириш ниятида Фонд бўлими ҳудуддаги маданият масканлари билан узвий алоқа ўрнатган. Жумладан, республикадаги ҳар бир овул ва маҳаллалардан 20 нафардан кам таъминланган оила аъзолари тақлиф этилган томошо — Бердақ номидаги Қорақалпоқ музыкали драма театрининг «Алломи» спектакли намойиши учун 1 млн. 280 минг сўм пул маблағлари ажратилди. 320 нафар аҳоли ушбу томошадан завқланди.

Фуқаролар йиғинларида истиқомат қиладиган ёлғиз қариюрлик, ногирон ва боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга 13 миллион 23 минг сўм миқдорда моддий ёрдамлар кўрсатилгани овул ва маҳаллалар қиёфасига ҳам зеб берди.

Фонднинг туман, шаҳар бўлинмалари томонидан муҳтож, эҳтиёжман, боқувчисини йўқотган, яқка-ёлғиз қариюрлик ва болалиқдан ногиронларга 10 миллион 39 минг сўм миқдорда моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Мухбиримиз.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ УСТУВОР

Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими сифатида истиқлол йилларидагина Юртбошимиз таъкидлаганларидек, таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси, ҳақиқий демократия дарсонасига айланди. Бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти йил сайин бойиб бормоқда.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун фуқаролик жамиятини шакллантиришда йилнинг ҳаётига доир ҳужжатларнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Шу боис мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш, уларни фуқаролар йиғинларида тарғиб қилиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳудуддаги мавжуд 15 та шаҳар, 141 та овул, 245 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари, диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, мастул котиб ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимини раҳбарлари учун кенг қамровли маъруза ва ўқув-семинарлари ўтказилиб, янги таҳрирдаги қонуннинг мазмун-моҳияти, уларга кириштирилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида мутахассис ва ҳуқуқшунослар томонидан атрафчилик маълумотлар берилди. Семинарларда аҳоли, айниқса, маҳалла фаолларининг иштироки таъминланди.

Июнь-август ойларида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» ҳамда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг шартларида мазкур

қонун юзасидан саволларнинг ўрин олгани ҳам йилнинг фаолларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада мустақамламоқда.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан, бандликка кўмаклашиш ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлаш ҳақида кириштирилган нормаларга асосан, ма-

ҳалаларда 10 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Саккиз ярим мингга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилиб, сийҳаттоҳларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, ёлғиз кексаларнинг уйлари таъмирланиб, куз-қиш мавсумига тайёр ҳолга келтирилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 минг нафардан зиёд келин-куёвга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди.

Бу эса янги таҳрирдаги қонун инсонпарвар ва ҳаққил эканидан далел.

Мазкур қонуннинг 17-моддасидаги маҳаллаларда фуқароларнинг хусусий бизнес, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик борасидаги интилишлари-

га кўмаклашиш мақсадида «Маҳалла» марказларининг ташкил этилаётгани қоралогистонликларни ҳам амалга оширилаётган эзгу ислохотлардан манмулик ҳиссини туйишга ундамоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғинлари фаолиятини мустақамлаб, маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини ўстиришга хизмат қилаётган.

Давлат БИМУРАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви мастул котиби.

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилингани соҳадаги янги фарралар ва муваффақиятларга қанот берди.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган маҳалла фаоллари орасида ҳам бундай шарофат муносиби топилганлар талайгина. Жумладан, Нукус шаҳридаги «Тунгиш қонис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зибири Байниязованинг «Шуҳрат» медалига сазовор бўлгани йилнинг аҳлини мамнун этди.

2004 йили «Тунгиш қонис» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари лавозимига тайинланган З.Байниязова бир неча йиллардан бери халқнинг ишончини оқлашга интилиб, холис хизмат қилиб келади. Айниқса, ҳудудда яшовчи хотин-қизлар, ёшлар билан дустона муносабат ўрнатгани аниқ мунсабат бўлди. У аҳолининг орзу-мақ-

сулаларини обдон ўрганган, мавжуд муаммоларни маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзида бартараф этишга ҳаракат қилди. Э-улул уни ўз ишига сийқидилдан, мастулоти билан ёндашгани учун 2011 йилда йилнинг раислигига сайланди.

— Ҳудудимиздаги 34 та кўпқаватли уйда 5600 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди раиса. — Улар маҳалланинг жамият ҳаётида нечоғли катта кучга айланиб, ваколатлари тобора кенгайиб бораётганини яқин англашди. Шу боис амалга оширилаётган тадбирларда тезда уюшиб, ҳамжихатликка иш юритишди. Айниқса, кўча бошлиқлари, тегишли комиссиялар аъзолари ва фаоллар билан самарали ҳамкорлик ўрнатганимиз ҳудудимизнинг гуллаб-яшнаниши, оилалар мустақамлиги, фарзандлар истиқбол учун муҳим омил бўлаётган.

Раисанинг рағбат топишида унинг фаолиятидаги ўзига хос тажрибалар асос бўлган, албатта. Жумладан, кўпқаватли уйларидаги шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида уларни таъмирлаш, қувурларни алмаштириш, сув таъминотини янгилашдек муаммолар кундан-кунга турган пайтда З.Байниязова маҳалланинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, муаммога ечим топди. Гап шундаки, бу уйларидаги ийрик каналлашнинг қувурлари эскириб, яроқсиз ҳолга келган, турли нохуш ҳолатлар кишиларнинг кайфиятини, маҳалланинг кўринишини бузган.

Раисанинг тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, улар билан мустақам алоқа ўрнатгани, маҳалладошларини ушбу ишга сафарбар этгани ўз нажратини берди. Унинг гайратини, ташаббуси, куюнчаклиги одамларга ҳам «юқди».



ЎзА сурати.

бошласа, албатта, амалга ошди. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда мустақамлашган ваколатлар, Президентимизнинг ишонч ва эътиборлари эса

йилнинг раҳбарининг уйғоқ қанда, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда мустақамлашган ваколатлар, Президентимизнинг ишонч ва эътиборлари эса

ПАЛАМБЕРГАНОВА
«Mahalla»



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Халқимиз азиздан тўйларни яхши кўради. Энг гўзал кунимиз ҳам шу, энг гўзал тилоти-миз ҳам шу, аслида. Чунки тўйлар юрдаги тўкинлик, ободлик, одамлардаги меҳроқибатдан дарак. Қувончлиси, ана шундай шодибоннинг бошида маҳалла туради.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Андижон шаҳридаги «Шоҳ» тантаналар саройида 32 нафар ёш йилгизнинг ниқоҳ ҳамда 5 нафар боланинг суннат тўйи бир умр ёйда қоладиган тарзда файли ўтказилди. Ушбу тўй «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими томонидан ташкиллаштирилди.

Шоҳона безатилган тантаналар саройида келин-куёвларни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Юнусова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Икромиддин Валиев табриқлаб, ёшларга қимматбаҳо совғаларни топширдилар. Шунингдек, суннат тўйлари ўтказилган болаларнинг велосипедлар ҳамда ҳомий ташкилотларнинг туҳфалари тақдим этилди.

Вилоятнинг Ҳўжобод, Қўрғонтепа, Андижон, Избоскан каби туманларида ҳам бу хайрия ишлар кенг кўламада амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарияти кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватламоқда.

Хусусан, имконияти чекланган талабаларга компьютер жамланмалари олиб берилди. Бундай ибратли тадбирлар туфайли меҳроқ муҳтож кишилар жамиятда юз бераётган улкан ўзгаришларни юракдан ҳис этиб, маҳалла фаолларидан, соҳаватли кишилардан, давлатимиздан миннатдор бўлиб яшамоқда.

О.ИБРОҲИМОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

ФАРЗАНД САЛОМАТЛИГИ — ЮРТНИНГ ТАЯНЧИ



ЎзА сурати.

Мустақиллиқнинг илк йилларидан аҳоли саломатлигини сақлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки кучли фуқаролик жамияти ҳар томонлама соғлом, баркамол инсонлардан таркиб топади.

Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасидаги ишларда муҳим дастур бўлаётган.

Ушбу дастур ижросини таъминлаш доирасида Андижон вилояти тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустақамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, шифокорларнинг малакасини ошириш, кишиларнинг саломатлик борасидаги билимларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари амалий кўмак бера-

ри томонидан амалга оширилган қатор хайрия ишлар самараси уларок, сунгги йилларда туғма касалликлар билан дунёга келадиган болалар сони кескин камайди.

Ҳозир вилоятда ҳар ойда икки мартаба «Тунгиш ёшида»ги аёллар, усмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги» тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилди. Унда республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказларидан юқори даражали мутахассислар тақлиф қилинмоқда. Бундай ҳафталиклар шунчаки маърузалар, баҳс-мунозаралар билан ўтмайди. Балки уларда тиббий қуриклар ташкил этилиб, даволаш-профилактика ишлари олиб борилади. Биргина шу йилнинг ўтган даврида 19 минг нафардан ортиқ туғини ёшидаги аёл, 8 минг нафардан зиёд усмир қиз ана шундай қуриклардан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича беморлар соғломлаштирилаётган.


Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш мақсадида жамоатчиликнинг тиббий маданияти ва тушунчасини оширишга қаратилган кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар дастури белгиланган. Унга қўра, маҳаллаларда «Соғлом она — соғлом бола» ҳафталикнинг мазмун-моҳиятини чуқур очиб бериш, тиббий маданиятини ошириш, қариндош-уруғлар уртасидаги ниқоҳларнинг салбий оқибати, ниқоҳдан аввал тиббий қурикдан ўттишини зарурияти ҳақида тушунтиришлар олиб бориш, «Саломатлик ҳафталигини» ташкил этиш, «Кўчма врачлик бригадалари» ёрдамида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий қурикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилашти.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

КУЗУ ҚИШ ТАШВИШСИЗ ЎТАДИ

Бугунги Андижон кўчаларини айлангангиз, бунёдкорлик соҳасида мисли кўрилмаган йутуқларга эришилаётганининг гувоҳи бўлишингиз табиий. Ўнлаб кўчалар янгича қиёфа касб этиб, уларнинг инфратузилмаси тубдан ўзгарди.



Ана шу эзгу ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчи роль уйнагани эътиборга сазовор.

Аҳоли турмуш тарзининг фаровонлашуви талаб ва эҳтиёжларни ҳам ошириб бормоқда. Бу айниқса, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида кўпроқ намён бўлаётган. Жорий йилда шаҳардаги фуқаролар йиғинининг 24 таси тулик ва 9 таси қисман табиий газ билан таъминланди. Шунингдек, ҳудуддаги баъзи кўпқаватли уйларида иссиқлик энергияси таъминоти борасида узилтириш ураётган эди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳудуддаги уй-жой мулкдорлари ширкати бу масалани халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясига олиб қилди. Аҳолининг мастул идораларга бўлган мурожаати беиз кетмади: мутасаддиларнинг сийҳат-ҳаракатлари натижасида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди. Вилоятда кўпқаватли уйлари иссиқлик билан таъминлаш учун алоҳида дастур белгилашиб, аҳоли ва ҳомийлар ҳамжихатлигида кишга тайёргарлик ишлари йўлга қўйилди.

— Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш — давр талаби, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлими раиси ўринбосари Ботир-

жон Турсунов. — Обод турмуш йилида бу борадаги муаммоларнинг бартараф этилаётгани фуқаролар кайфиятини кўтарди. Қозонхоналар қурилиши учун салкам 20 миллиард сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, ҳозиргача 672 та сув қувурлари алмаштирилди. Шаҳардаги кўшқаватли уйларидаги 147 та йўлга капитал таъмирланиб, 57 тасига рақамли эшиклар ўрнатилди.

Андижонликлар маҳалласини обод этиш йўлида ўз ёрдамларини кўрсатиб, бир нечта бунёдкорлик ишларини амалга оширишди. Жумладан, аҳоли маблағлари ҳисобига ҳудудда 33 та болалар майдончаси қурилиб, 151 та уйнинг фасад қисмига сайқал берилди.


Ҳудуддаги Бобур, Фуқрат номидаги ширкат раислари Обиджон Тойилов, Фаридхон Аҳмедовалар ҳам ибратли ишлари билан элнинг олқишини олиб келаятганлардан.

— Ҳозирда дунёнинг аксарият давлатларида электр қувватини тежайдиган ёриткичлардан фойдаланилмоқда, — дейди «Зиё — 2000» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Зайнобиддин Қамчиев. — Тасарруфимиздаги 19 та уйда яшовчи 853 та хонадон аҳли бу борадаги тақлифимизни маъқуллади. Эъдиликда электр таъминотида зуриқилш ва узилтиришлар бўлмайдиган, ортиқча сарф-ҳаражатларга ҳожат қолмайдиган.

Шунингдек, ҳудудда 618 та кўпқаватли уйнинг иситиш тармоқлари аҳоли маблағлари ва ҳомийлар ёрдамида ҳисобига тикланапти. Шу билан бирга, соатига 20 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарадиган генераторлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Ижтимоий соҳа муассасаларида 136 та «Пироз» русумидаги ҳар хил ҳажмдаги қозонларнинг ўрнатилиши уларнинг ҳодимларига қўлайлик яратди.

Бир сўз билан айтганда, Фонд ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан биргаликда амалий ишлари ўз самарасини бераётган. Мазкур хайрия ташаббус бутун вилоят бўйлаб кенг қўлач ёётгани туфайли куз-қиш мавсуми ортиқча ташвиш туғдирмаслиги шубҳасиз.

А.АБДУМУТАЛОВ.



БУХОРО ВИЛОЯТИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш борасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан фуқаролар йиғинларининг иш ҳужжатлари юритилиши ва жамоатчилик комиссиялари фаолияти қайта кўриб чиқилди ҳамда тегишли услубий тавсиялар берилди.

Маҳалла фаолларининг фаолиятига кўмаклашиш, уларга қўлай меҳнат муҳитини яратиш мақсадида жорий йилнинг ўзида Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан 41 та қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 10 та фуқаролар йиғинига эса мебель жиҳозлари олиб берилди.

Вилоят бўйича 11 та фуқаролар йиғини биноси таъмирланди. Бу ишларга Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Сўнгги уч йилда вилоятда 80 тага яқин маҳалла идораси янгидан барпо этилди.

Шунингдек, ижарадаги биноларда фаолият олиб бораётган 199 та фуқаролар йиғинига алоҳида бино ажратиш борасида ҳам Фонд ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ишлар ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 10 та фуқаролар йиғини биноси ўз балансига ўтказилди. Турта маҳалла гузари эса янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Албатта, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлардан мақсад битта: маҳаллаларнинг моддий-техник базасини кучайтириш ва шу орқали улар фаолиятида самарадорликка эришиш. Зеро, кучли маҳалла — кучли фуқаролик жамиятининг асосидир.

Маҳмуд ТОИРОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

МАҲСУЛОТИ ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР



Шофиркон туманидаги Султон Жўра номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шофиркон экваториалтекс» масъулияти чекланган жамияти ўз ишини бошлаганига қўл бўлгани йўқ. Аммо ўтган йиллар давомида корхона фаолиятида сезиларли муваффақиятлар кўзга ташланди.

Дастлабки йилларда жамият Миллий банкнинг туман филиалидан аввалга 50 миллион, кейин эса 330 миллион сўмлик кредитлар ҳисобига замонавий, дастурлаштирилган тикув машиналари ҳамда шу турдаги ускуналар харид қилди. Жорий йил аввалида эса корхона мазкур банкнинг 600 миллион сўмлик кредити ҳисобига кўп функцияли 20 та замонавий тикув машинаси харид қилиш бартарафидан айланма маблағини тўлдирди.

Ишчилар сони эса 20 нафардан 110 нафарга етказилди. Натижада «Шофиркон экваториалтекс» вилоятдаги барқарор фаолият юритувчи, мустақам иқтисодий асосга эга тадбиркорлик субъектлари қаторидан ўрин олди. Асосан болалар кийимлари ишлаб чиқараётган корхона маҳсулотларининг аксар қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Ҳозирда ўз сифатли маҳсулотлари билан нафақат ички бозор, балки хорижлик мижозлар ишончини ҳам қозонган корхонанинг жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 7 миллиард сўмга етиши кутилмоқда. Бу вилоятдаги кичик бизнес корхоналари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

Корхонада компьютер дастури асосида ишловчи мураккаб машиналарни оддий қишлоқ ёшлари бошқараётганининг гувоҳи бўдик. Уларнинг кўпчилигини эса коллеж битирувчилари ташкил этади. Экспортбоп маҳсулотлар дэзайни эндигина коллежни битириб келган ёшларга ишониб топширилгани бизни ҳайратлантирди.

— Фаолиятимизнинг дастлабки йиллари хорижлик дизайнерлар билан иш бошлаганди, — дейди корхона раҳбари Қўшқаров Қўшқаров. — Биласиз, хорижлик мутахассислар билан ишлашнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Қолаверса, уларнинг узоқ муддат шу ерда қолиб ишлашларига ишонини қийин. Шу боис ўша даврдаёқ турт нафар қизимизни уларга ёрдамчи сифа-

тида бириктириб қўйгандик. Ҳамкорлар кетган, ана шу қизларимиз дизайнлик ишнинг давом эттиришди. Улар томонидан яратилаётган болалар кийимлари кўриниши, бичимлари ҳамкорларимизнинг эътирофига сазовор бўлапти.

Шу ўринда ёшларга цеҳда меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Ходимлар ишга корхона транспортда қатнашади, бепул тушлик билан таъминланган.

— «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги янги қонун қабул қилиниши билан туманимизда ўз бизнесини бошлашга иштиёқманд оилалар сони кўпайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шофиркон тумани бўлими раиси Ботир Олимов. — Масалан, «Нурullo Баҳодир омад» деб аталган оилавий корхонада тайёрланган ошхона, уй ва офис меъёлари, юмшоқ ўриндиқлар ва қараволлар, уймакор нақшли эшик-деразалар ҳамда дарвозалар нафақат Шофиркон ёки қўшни Гиждувон, Вобкент туманлари, балки Навоий, Хоразм вилоятлари аҳолиси ўртасида ҳам ўз хариддорларини топиб улгурган. Тадбиркор Тулқун Бобоев эса оила аъзолари билан бирга ишга суткасига 200 килограмм унни қайта ишлаш қувватига эга тегирмонни ишга тушириш бартарафидан кунига 550 дона қўмили ва 400 дона ширмой нон ишлаб чиқармоқда.

Албатта, бу тадбиркорларнинг ўз ишларини бошлашларига маҳалланинг, Фонд туман бўлиминининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, янги тадбиркорлик субъектларининг ишга туширилиши, қўшимча иш ўринларининг яратилиши, аввало, аҳоли фаровонлиги, турмуш ободлиги, ҳууд тараққиётига хизмат қилади.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан аҳолига томорқа ерлари ажратиш, кишиларда тадбиркорлик маданиятини кучайтиришга катта эътибор қаратилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 ноябрдаги «Аҳоли шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш ва тизимли ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги йиғилиши баёни ҳамда унинг ижроси юзасидан талай ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғинларида тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳи тузилди. Улар томорқаси бор кам таъминланган хондонларга полиз, सबзавот экинлари уруғини етказиб бермоқда. Шу билан бирга, боёдорчилик, томорқачилик маданиятини ривожлантириш мақсадида Фонд вилоят бўлими томонидан кам таъминланган хондонларга 10 миллион сўмлик меваги кўчатлар тарқатилди. 6 миллион сўмлик гул кўчатлари улаштирилиб, уларнинг шу йўналишда ҳудудда ботар барпо этиш, хибонлар ва кўчалар четига манзарали кўчатлар ўтказишга сарфланди.

Ушбу ишлар натижасида Жиззах вилояти янгида қишлоқ касб этиди. Ҳудуд ободонлаштирилиб, бешта боғ барпо этилди. Махсус ажратилган майдонларга 410 минг тулдан зиёд манзарали, 287 минг 500 тулга яқин меваги, 57 минг 800 тулга яқин тут ҳамда 67 минг 350 тулдан зиёд гул кўчатлари экилди. Қўшқаровларнинг кўчат ўтказиш ишларига Фонд ҳисобидан 18 миллион сўм маблағ ажратилди.

Абдумажид САТТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

САЙЛОВЧИ МУРОЖААТИ ВА ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этишда қўл келмоқда



Маҳаллий кенгаш депутатлари ҳудудларда кузатилаётган айрим муаммоларни бартараф этиб, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

8-Чулқувар сайлов округидан халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашига сайланган Муртазоқул Бўтаев ҳам сайловчиларнинг муаммоларини ҳал этишга жиддий бел боғлаганлардан.

Округ ҳудудидаги Саритена қишлоғининг айрим хондонларида табиий газ тармоғида узатишлар кузатилади. Шунда Муртазоқул Бўтаев ваколати доирасида туман газлаштириш идораси билан муаммони ўз вақтида ҳал этди. Жорий йилнинг июнь ойида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда юзага келган муаммолар ҳам депутат сўрови билан бартараф қилинди.

— Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари яхши йўлга қўйилган, — дейди Дўстлик туманидаги Саритена қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қосим Раҳимов номидаги кўча бошлиғи М.Мухторов. — Айниқас, халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлаган депутатимиз М.Бўтаев кишилар ишончини оқламоқда. У фуқаролар йиғинида алоҳида қабул қилинган ташкил этиб, аҳолининг муаммоларига ечим топиб келаётди. Яқинда депутатнинг сай-ҳаракати билан ички йўллар қайта таъмирланди. У

тури учрашувлар ташкил этиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Маҳаллий кенгаш депутати ваколатидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабининг тамомланганлари касб-хунарга йўналтириш, коллеж битирувчиларини эса иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Ёшларни касб-хунарга йўналтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди.

Сайловчилар депутат билан учрашувда ўзларининг тақлиф-мулоҳазалари, муурожаатлари билан қатнашмоқдалар. Бошқача айтганда, фуқаролар ўзлари сайлаган депутат орқали давлат бошқаруви идоралари фаолиятида жамоат назоратини амалга оширишда фаол иштирок этишмоқда.

Мухбиримиз.

ХУНАРДАН УНАР

ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ ДАРОМАД КЕЛТИРДИ

Жиззах вилоятининг қишлоғу маҳаллаларида кулчилик, гиламчилик, зардўзлик ва каштачилик авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони тармоқ раванқида муҳим омил бўлаётир.

Жиззах шаҳридаги Бобур номидаги маҳаллада яшовчи Файзулла Жўрабеков кулчиликни замонавий андозалар билан бойитётган хунармандлардан.

— Ушбу хунар билан шугулланиб келаётганимиз йигирма йилдан ошди, — дейди Ф.Жўрабеков. — Маҳалла фуқаролар йиғини ва шаҳар «Хунарманд» уюшмаси кўмағида «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши хунарманд» совринига сазовор бўдим. Кўрик-танловнинг республика босқичида намойиш этган ишларимга хорижликларнинг қизиқиши ортди. Ҳозир қадимий кулчилик санъатини тиклаш буйича бир нечта лойиҳаларда иштирок этаётимиз.

Кулчилик миллий услубдаги ланглар, қадимий буюмлар, девор, устун пештоқларнинг безакли кошнлари нафақат вилоятда, балки қўшни ҳудудларда ҳам машҳур. Файзулла Жўрабеков Галлаорол туманидаги Савурук ота, Саъд ибн Абу Ваққос, Зомин туманидаги Парпи ота мақбаралари, Жиззах тумани Хужа Гозий меъморий обидасини таъмирлаш учун ясаб берган сопол безаклар ҳам ўзига хос кўриниш ва жозибага эга.

— Хунармандчиликка ёшларнинг қизиқиши кучли, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулжаҳон Алмева. — Айни пайтда маҳалламизда ундан зиёд йигит-қиз ушбу соҳа сирларини пухта ўлаштиришган. Тукувчилик билан шугулланаётган Дилфуза Қобилова ҳали коллеж ўқувчиси бўлишига қарамай, ўз хунари билан ҳурмат қозонган ёшларимиздан. Юмшоқ ўйинчоқлар ясашда беназир Жамол Эшонқулов эса маҳоратини тенгдошлари билан ўртоқлашмоқда. Ёшларни хунармандчиликка жалб этиш мақсадида

ят, шаҳар ва туман бўлимлари билан ҳамкорликда хунармандчилик турларини кенгайтириш борасида самарали тадбирларни амалга оширмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Узоқбой Рискулов. — Улар иштирокида ўтган даврда 12 нафар хунармандга тадбиркорликни олиштириш учун банк кредитлари олиштирилди, алоҳида ўқувлар ташкил этилди.

Уқув марказларида бадийи хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ўргатишнинг йўлга қўйилаётгани ёшларнинг соҳага қизиқишларини ошираётир. Улар халқ анъанавий хунармандчилигини янада бойитиб, ўзларининг ижодий ишлари билан турли кўрик-танлов, кўргазмаларда иштирок этишмоқда. Буларнинг барчаси миллий ва тарихий қадриятларимиз сирасига кирувчи хунармандчиликни эъзоз топаётганидан нашонча.

— Фуқаролар йиғинлари фаолари «Хунарманд» уюшмасининг вило-

Бек НАЗАР «Mahalla»



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

МУРУВВАТДАН МАМНУН ҚАЛБЛАР

Мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган, яқка-ёлғиз, имконияти чекланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шуниси қувонарлики, бу каби хайрли ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинлари етакчилик қилмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг барча ҳудудларидан кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож ёш оилаларга 24 та бепул қорамол тарқатилиб, бу оилаларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашига эришилди. Мазкур мақсадда Фонд вилоят бўлими ва ҳудудий бўлинмалари томонидан 37,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонднинг вилоят бўлими ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳомийлар томонидан 5613 нафар кам таъминланган оила ва ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларга 358 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Олий ўқув юртиларида тахсил олаётган чин етим ва ногирон талабаларнинг ўқув шартнома маблағлари тўлаб берилди. Ушбу хайрли тадбирларга Фонднинг вилоят бўлими маблағларидан 12,4 миллион сўм сарфланди.

Шунингдек, мустақиллик байрами муносабати билан шаҳар ва туманлардаги кам таъминланган оилаларга

«Маҳалла муруввати» корхонасида тайёрланган 10 миллион сўмлик кийим-кечаклар тарқатилди.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат туйларини ўтказиб бериш ҳамда турмуш шароитларини яхшилашда, тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишда молиявий ёрдамлар кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Хусусан, 48 та кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ туйлари, 36 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат туйлари ҳомийлар кўмағида ўтказилди.

Худудларда яшайдиган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлар, яқка-ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилаларга мунтазам равишда меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярми давомида 68 нафар ногиронга 15 миллион 800 минг сўм, 37 та кекса, боқувчисини йўқотган кишиларга 7 миллион 386 минг сўм, табиий офат ва бахтсиз тасодифлардан талафот кўрган 11 нафар фуқарога 5 миллион сўм, 20 нафар уруш фах-

Фарҳод БОЛТАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қамаши туманидаги барча қишлоқ ва фуқаролар йиғинларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий маълумот бурчақлари ташкил этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдати «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонунининг 17-моддасига асосан, барча фуқаролар йиғинларида «Маслаҳат марказлари» фаолияти йўлга қўйилди. Уларда тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ҳамда солиққа оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилган. Машғулотларга туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, солиқ инспекцияси ва маҳалла фаоллари жалб қилинган.

Турмуш қуриш оstonасидаги йиғит-қизлар учун маҳаллаларда туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан қонуний никоҳдан ўтиш ҳамда никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётди.

Одам савдосининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳарбий давлатда ишлаш истиғоли фуқароларимиз, аввало, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан боғланади.

Фуқаролар йиғинлари фаоллари жорий йилги сайловларга ҳозирдан қизин тайёргарлик кўрмоқдалар. Чунки «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» янги тахрирдаги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан барча фуқаролар йиғинида ҳафтада бир марта қонун тарбияти бўйича учрашув ва йиғинишлар ўтказилади. Муҳтасар айтганда, фуқаролар ҳуқуқий онгу маданиятини ошириш уларнинг юртимиздаги улкан исплохотларга дохилдорлик ҳиссини кучайтирмоқда.

Нуриддин МУҲИДИНОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қамаши тумани бўлини раиси.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА ҲАММА БИР-БИРИГА ОҒА-ИНИДЕК МЕҲРИБОН



— Бу ерда истиқомат қилаётганимга 20 йилдан ошди. Турли миллат вакиллари аҳил, иноқ яшаймиз. Менга ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, урф-одат ва анъаналари жуда ёқади. Ўғилларимни уйлантирсам тўйни ўзбекча қиламан, деб ўйлаб юрардим. Ниятимга етдим, — дейди Муборак туманининг «Тонг» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Линора Эминова.

Мазкур ҳудудда 10 дан зиёд миллат вакили тинч-омонликда умргузаронлик қилишади. Ҳар бирининг ўзига хос удуми, одати бор. Қизиги, бу ердаги турли анъаналар бир-бирига уйғунлашиб, янада чиройли кўриниш касб этган. Чунки неча йиллардан буён аҳилликда яшаб келаётган маҳалладошларнинг тўй-маъракалари, маросимлари ҳамжиҳатликда ўтказилади. Қуда-андачилик турли миллат вакиллари мустақам ришталар билан боғлаган. Ҳамма бир-бирига меҳрибон, гўё оға-инидек.

— Туманимизда йирик саноат корхоналари иш бошлаганида уларга турли ўлкалардан мутахассис ва ишчилар жалб этилган эди, — дея эслайди «Тонг» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Барот Раҳимов. — Улар учун махсус турар-жойлар барпо этилди. Кўпқаватли уйлاردан иборат маҳалламиз шу тарихга вужудга келган.

Маҳалла раисининг айтишича, туманга шиллаш учун келган турли миллат вакиллари кейинчалик шу ерда яшаб қолишди. Жумладан, қозоқ миллатига мансуб Гуля Сеедказина ҳам узоқ йиллардан бери йиғинда истиқомат қилади. «Ўзбекистон — менинг Ватаним, маҳалламдагилар эса ака-ўка, опа-сингилларимдир. Улардан айро яшашни тасаввур ҳам қилолмайман», дейди у.

Людмила ҳам ота-онаси билан Украинадан кўчиб келганида 10 ёшли қизалоқ эди. Ҳозир уни ўзбеклардан ажратолмайси: тилимизда бемало гаплашади, юриш-туришлари ўзбекона. Ҳатто фарзандига ҳам

Мухбиримиз.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРЧАН ВА МУҲИМ БЎГИНИ



— Қизим кейинги пайтда негандир одамови бўлиб қолган, ҳеч ким билан гаплашмайди, дардини ҳам айтмайди, унинг «ичимдагини топ», қабилда юршини мени хавотирга соляпти. Адолатхон, у билан бир гаплашиб кўрсангиз.

— Майли, опахон. Аммо одамингизга бир нарсани эслатиб қўяй. Маҳалламизда «Ота-оналар университети» ташкил этилган. У ерда қизингиз билан қандай тил топшиши мумкинлиги ҳақида яхши маслаҳат оласиз. Маҳалла идораси томон ихтилашган бўлиб олган Соҳибхон у ердан қушдай енгил бўлиб чиқди, кўнглидаги хавотирлари тарқади. Хаёлида Майрамхон аянинг: «Балогат давридаги қизларда бундай ҳолатларнинг кузатилиши табиий. Қизингиз билан худди дугоналардек гаплашиб кўринг. Қиз боланинг энг яқин сирдоши аслида онаси бўлиши керак», деган сўзлари айланарди. «Тава, бирор марта қизим билан очилиб гаплашмабман-а, уни доим тергабман...»

масъул котиби бўлиб ишлаб, ҳар бир оила ва ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга Адолат Расулова университет фаолиятини жуда яхши йўлга қўйди. Университетга энг намунали оила эгалари, ҳудуддаги мактаб, қишлоқ врачлик пункти ва бошқа ташкилот раҳбарлари, профилактика инспектори, тадбиркор ва ишбилармонлар жалб этилди.

Ҳозирги кунда университетда машғулотлар олиб бориламоқда. «Қизингиз турмушга тайёрми?», «Эрта никоҳнинг олдини олиш», «Соғлом турмуш тарзи», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни» мавзуларидаги давра сўхбатлари кўпчиликлари сабоқ бўлаётди. Жумладан, йиғинда ўтказилган «Қайнонам — онам менинг» қуриқ-танлови барчада бирдек қизиқтириш уйғотди.

— Ота-онанинг ўзаро муносабати фарзандлар тарбиясида жиддий таъсир курсатади, — дейди мазкур йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Ота-оналар университети» аъзоси Инобат Аслонова. — Баъзилар фарзандларнинг олдида жанжаллашади, бир-бирларининг камчиликларини юзига солишади. Халқимиз: «Қуш уясида кўрганани қилади», деб бежизга айтмаган. Бола энг аввало, ота-онадан андоза олади. Оилаларга кирганимизда, буни обдон тушунтирамиз.

Хуллас, бундай университетлар оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«Раҳим» кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун нафақат вангозиллар орасида, балки кўшни вилоятларда ҳам машҳур ва харидордир. Дастлаб фишт, мебель ишлаб чиқариб, элга танилган корхона яқинда яна бир хайрли ишни бошлади. Хориждан «Metex» ускунаси олиб келиниб, ўрнатилди. Ҳозирда унинг ёрдамида пахта толасидан тоза ва сифотли мато ишлаб чиқариламоқда. Водийдаги мато ишлаб чиқарилган шёлор фаолияти кўпчиликка яхши таниш. «Раҳим» корхонаси раҳбари Истам Раҳимов Навоийда ҳам бу ишни давом эттирган ҳолда, маҳалладошларининг 10 нафарини доимий иш билан таъинлади. У келгусида яна 40 та иш ўрни яратиш ниятида. Бунинг учун тез орада сочик ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Корхона раҳбарининг айтишича, ускуна бир навбатда 2800 кг.гача мато ишлаб чиқаради. Хотин-қизлар тайёр матолардан жами 12 турдаги кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари тикишмоқда. Ҳозирча бу ерда 5 та тикув машиниси мавжуд. Яқинда яна замонавий дастхона келтирилиб ўрнатилди.

Қувонарлиси, корхонага қарошли савдо мажмуасида сотилаётган кийим-кечаклардан тортиб, юмшоқ чойшобларгача барчаси ўзининг маҳаллада тайёрланган, шу боис ҳам харидордир.

Дилбар ТУРОВОВА, Қизилтепа тумани «Ванғози» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Бугун Қосонсойда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ривожланиши ҳисобига шохобчалар сонини ортиб, бандлик ҳам таъминланаётди. Биргина «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида ҳар бир маҳаллада қўшимча ўнгодан янги шохобча ташкил этиш кўзда тутилган эди. Яқинда тадбиркор Муҳаммадали Камолов ўзи яшайдиган «Хурият-1» маҳалласида замонавий спорт майдончасини фойдаланишига топширди. Натижада 4 та янги иш ўрни яратилди. Яна бир ишбилармон — Фарҳоджон Нишоннов ҳам ўзи истиқомат қилаётган «Богшомол-1» маҳалла фуқаролар йиғинида диагностика марказини ишга тушириб, 15 нафар маҳалладошини меҳнатга жалб қилди.

— Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даврида туман маҳаллаларида жами 278 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиб, 837 та иш ўрни яратилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси Мухторжон Доджонов. — Бу кўрсаткич истиқлол шодийналарини асосида янада ортмоқда. Чунки энг улуг, энг азиз байрамимиз кенг нишонланаётган шу кунларда яна ўндан зиёд шохобча ўз фаолиятини бошлади.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўтган даврида Наманган вилоятидаги 555 та маҳаллада бир минг тўққиз юзга яқин турли хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишига топширилди. Бунинг натижасида 4200 дан зиёд янги иш ўринлари юзга келди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги савий-хароқатлар изчил давом эттирилмоқда.

Фарҳод ҚОДИРОВ

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ АНИҚ, ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мамлакатимизда устувор вазифалардан бирига айланган. Уларнинг пухта билим олишлари учун қулай шароитлар яратиб бериш, маънавий қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини намоён этишларига кўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



ка ҳудудларда ҳам ёшларимизнинг замонавий тарзда билим олишлари, касб сирларини ўрганишлари, маънавий етуқ, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бундай гамхўрликлардан илҳомланган ёшлар ўтган ўқув йилида қўллаб-қувватларга эришди. Жумладан, Навоий давлат педагогика институти қошидаги Навоий академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Нигора Тўймуродова Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритди.

Республика фан олимпиадасида вилоятдан жами 39 нафар ўқувчи иштирок этиб, шундан беш нафари ўз йўналишлари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллади. Шунингдек, жорий йилнинг май ойида ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» танловининг республика босқичида Хатирчи педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг «Сарбоз оҳанглари» жамоаси, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» бемашғулнинг республика босқичида Хатирчи тиббиёт коллежи ўқувчилари юқори ўринларни қўлга киритди.

Ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас. Бу кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғли шугулланишларига бевосита боғлиқ. Сўхбатдошимизнинг таъкидлашича, бу борада ҳам маҳалла билан ҳамкорлик қўла келмоқда. Йиғинлар ва ҳудуддаги ички ишлар бўлими томонидан ўтказилган «Ўқувчи» ва «Давомат» реждлари, маҳаллаларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, ота-оналар билан учрашувлар мавжуд муаммоларни бартавраф этишда муҳим олим бўлмоқда.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

ТАШАББУС ХАЙРЛИ ИШ ҚАНОТ ҚОҚАДИ

Янгиқўрғон туманидаги Наврўзобод қишлоқ фуқаролар йиғини кейинги йилларда янада чирой очиб, кўрамлашиб бормоқда. Ҳудуддаги маҳаллаларда қурилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, аҳоли турар-жойларининг янги қиёфа касб этаётгани шундан далолат.

Ён-атрофида юз бераётган ана шундай ўзгаришлар «Ўрта Ялангоч» маҳалласи аҳлига негандир таъсир этаётгандек кўринади.

Бу ерда ҳукм сураётган узибуларчилик кайфияти натижасида маҳаллада ўзига яраша муаммо ва ташвишлар кўпайиб, туман марказидаги идораларга фуқароларнинг мурожаатлари ортди. Уларнинг замирида, асосан, ободончилик, тоза ичимлик суви таъминоти, қишки мавсумга тайёргарлик каби масалалар бор эди. Унинг моҳиятини тўғри талқин қилган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси Муқаддам Муродов маҳаллий ҳокимлик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар қўллаб-қувватлаши билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар мутасаддиларини бошлаб, мазкур маҳаллага борди. Фуқаролар йиғини фаоллари, кайнони ота-онанинг қўлига олиб, турт кун давомида ҳар бир куча, ҳар бир хонадоннинг обдон ўрганди. Ободонлаштириш, тозалаш, қурилиш-таъмирлаш борасида амалга оширилган ишлар бирма-бир қозоғга туширилиб, масъул ижроқисси, мuddати белгиланди. Одамларни ҳамжиҳатликка қорлаб, соғлом турмуш маданияти ҳақида тарғибот ишлари олиб борилади.

Хайрли иш қанот қоқади, дейдилар. Фонд туман бўлини раисининг ташаббуси билан «Ўрта Ялангоч»да бошланган кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига ҳисса қўлиши иштиёқиди одамлар сони кун сайин ортди. Қарийб бир ҳафта давомида маҳалланинг барча кўчаларида юзлаб инсонлар — кекса-ёш ёшларга чиқди.

Ариқлар қовланиб, сув йўллари тозаланди. Мевали ва манзарали дарахтлар оқланди, қуриган шохлари буталди. Йўл четларида уюлиб ётган чиқиндилар махсус жойларга ташиб чиқарилади. Одамлар ўз уйлари олдига турли гул кўчатлари ўтказдилар. Уйларнинг ташқи деворлари бир хил рангда бўяди. Аиниқса, 35-сонли мактабгача таълим муассасаси,



қишлоқ врачлик пункти ҳудудларида олиб борилган ишларда ишчи-хизматчилар билан бир қаторда аҳоли вакиллари ҳам фаоллик кўрсатдилар. — Ана шу кунлар давомида маҳалладошларимизнинг дунёқарашини ҳам кескин ўзгарди, — дейди меҳнат фариши Мадамин Отахонов. — Рўйиброқ айтганда, биз бироз бепарво бўлиб қолган эканмиз. Қисқа фурсатда кўз ўнгимизда юз берган ўзгаришлар бизни сергаклантирди. Ахир бу ишларни шу маҳалла одамларининг ўзлари бажаришди. Фақат бизга ҳозирга қадар ташаббус, ташкилотчилик етишмаётган экан. Бундан тўғри хулоса қардик. Маҳалламизнинг бундай кўркам манзарасини энди ҳар доим сақлаймиз. Зеро, авлодларга озов ва обод Ватан қолдириш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздор.

Обод юртга тўй-тантаналар ярашади. Бир неча кунлик ҳашардан сунг «Ўрта Ялангоч» аҳолиси истиқлолимизнинг йигирма икки йиллик шодийнасини нишонлаш учун маҳалла гузарига тўпландилар. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини раиси ва ҳомийлар томонидан ҳашарда фаол қатнашганлар муносиб рағбатлантирилди.

Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»



РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС



Навойи вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, ҳомиладор аёллар, никоҳланувчилар ва меҳнат мигрантларига ВИЧ инфекцияси бўйича маслаҳатлар бериш, уларни текширувдан ўтказиш, ОИТСга қарши кураш марказларини замонавий тест тизимлари билан таъминлаш доимий эътиборда.

сида республикамизнинг ихтисослашган имий-амалий марказлари ва етакчи клиникаларнинг профессорлари, тиббиёт фанлари номзодлари ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг малакали мутахассислари томонидан 8 минг нафардан зиёд кам таъминланган кишилар тиббий куриқдан ўтказилди. Натигада касаллиги аниқланган беморлар амбулатор, стационар шарафига соғломлаштирилди.

ташкिलाштирилади. Мазкур шифо масканлари биттадан компьютер жамланмаси, буй ва вазн ўлчайдиган тарозилар билан жиҳозланди.

Вилоятда оилаларга маслаҳат-диагностика, профилактика ва даволаш ёрдамини кўрсатиш бўйича 20 та модел ҚВПни шакллантириш борасида изчил иш олиб борилаётир. Навбахор, Конимех, Нурота, Қизилтепа, Томди туман тиббиёт бirlашмалари ва поликлиникалари рентген аппаратлари билан жиҳозланади. Вилоятда 100 ўринли болалар сўхаттоҳи қуриш, Конимех туман тиббиёт бirlашмаси маъмурияти биносини, «Тез ёрдам», қон қуйиш ва диагностика бўлимларини қуриш ҳамда инженер-коммуникация тизимини мукамал таъмирлаш, Нурота тумани тиббиёт бirlашмасининг барча бўлимларини реконструкция қилиш, Хатирчи тумани тиббиёт бirlашмаси марказий шифохонаси, вилоят онкология диспансерининг радиология бўлимини бунёд этиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

— Фуқаролар саломатлигини муҳофиза қилишда анъанавий тарзда ташкил этиб келинётган «Саломатлик поезди» муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими раиси Нормурод Исоқов. — Боиси мазкур амалиёт Нурота, Томди, Учқудуқ, Конимех каби узоқ туманларнинг чўл шароитида истиқомат қилётган аҳолисини тиббий куриқдан ўтказиш, уларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминлашда кўл келмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан вилоят ҳокимиати, Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми вилоят жамоатчилик кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Саломатлик автобуси» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида 12 турдаги мутахассис болалар, фертил ёшида аёллар, ногиронлар ва кексаларни тиббий куриқдан ўтказди. Бу савобли иш энг чекка қишлоғу овуларда ҳам ташкил этилди.

Мухбиримиз.

ҚОНУН МОҲЯТИ

ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

Маҳалла халқимизнинг азалий қадриятларидан бўлиб, ўзига хос бошқарув тизими сифатида шаклланиб келган. У аҳолининг тинч-тотув яшашини таъминлашда, оилаларни мустаҳкамлашда, ёшлар тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини ҳисобланган мазкур институтини ривожлантириш, жамиятдаги мавқеи ва нуфузини ошириш, ваколатларини кенгайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳамда мазкур қонуннинг янги таҳрири кучга киритилган ҳам фикримиз далилидир.

аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қўлаб-қувватлаш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш соҳасидаги ваколат ва вазифаларини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдик. Хусусан, бунда энг аввало, қонунчиликдаги ана шу янгиланган соҳа ходимларига, қолаверса, кенг жамоатчиликка етказиш, атрофдаги тушунтириш борасидаги ишларни бош мақсад қилганмиз. Жумладан, ўтган тўрт ой давомида «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Наманган вилояти бўлими, шаҳар ва туманлар бўлимлари ҳамда мутасадди ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли ўртасида қонунчиликдаги ўзгаришлар тарғиботига бағишлаб 781 та фуқаролар йиғинларида 2300 дан ортиқ тарғибот тадбирлари, 36 та ўқув семинари ташкил этилди. Уларда юз мингдан зиёд фуқаролар қамраб олинди.



Насриддин САДРИДИНОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзоси.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Самарқанд вилояти бўлими томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида фаолият кўрсатаётган Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, таълим муассасаларида «Бола тарбияси — келажак таянчи», «Илим — ҳунар ўрган», «Танлаган касбинг — сенинг келажакинг» ҳамда «Ўтук мутахассис — тараққиёт омил» мавзӯларида ота-оналар иштирокида мажлислар ўтказилди.

Ўқувчиларнинг давоматини яхшилаш, дарс қолдирадиганлар ҳамда уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида комиссия аъзоларининг тавсияларига биноан Фонд қўмағида ногирон ва ижтимоий муҳофизага муҳтож оилаларда вояга етган 10 нафар олий ўқув юртининг талабасига шартнома тўловини амалга оширишда қўмақлашди. Умумтаълим мактабларининг 4 нафар ўқувчисига компьютер жамланмаси совға қилинди. Вилоят маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилалардан 68 нафар болани соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ташкил этилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб музейлар, ботаника боғи, ҳайвонот боғи, маданият боғлари 10 мингта яқин оила фарзандлари учун саяхатлар уюштирилди.

Озод ва эркин Ватанимизга маънан етук, жисмонан бақувват фарзандларни тарбиялашдек эзгу ишларда қўмақлашиш келгусидаги фаолиятнинг ҳам асосий йўналишларидан бири бўлиб қолаверарди.

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

ҲОВЛИ ТҮЙИ КАТТА ТҮЙДА ТҮЁНА БҮЛДИ



Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан юртимизда қишлоқ жойларни ободонлаштириш, замонавий турар-жой массивларини барпо этиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилди.

Бу борада Самарқанд туманида улкан бунёдкорлик ва қурилиш ишлари амалга оширилаётир. Аҳолига ҳар томонлама қулай, шинам ва кўркам, шаҳар шароитларини ўзида мужассамлаштирган турар-жойлар қуриб берилмоқда. Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида туманда янги массив бунёд этилиб, унга «Обод турмуш» номи берилгани қувончли воқеа бўлди.

Янги массивни маҳалла маркази билан боғлайдиган йўлларига асфальт ётқизилди. Эътиборлиси, фаолларнинг ташаббуси билан аҳоли ободлик ва орасталик тадбирларига бош қўшиб, ҳудуд қиёфасини янада кўркамлаштираётир. Бу ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлими ҳам фаол иштирок этмоқда.

— «Обод турмуш» маҳалласида замонавий архитектура асосида қурилган 180 та ҳовли-жойнинг юзтаси ўз эгаларига топширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд тумани бўлими раиси Шерали Ҳамроқулов. — Қолган уйлarning эгалари мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами шодиёналарини ҳовли тўйларига қўшиб нишонлашади. Яқинда 50 мамлакатдан ташриф буюрган 300 нафардан зиёд хорижликлар ушбу маҳаллада ҳам меҳмон бўлишди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, ободончилик ишлари, архитектура ва дизайн жиҳатидан бир-бирдан гўзал ҳамда замон талабларига тўла жавоб берадиган аҳоли турар-жойлари меҳмонларнинг ҳайратига ҳамда ҳавасини оширди. Улар ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, яратил-

ган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Юртимизда инсон қадрини нечоғли баянлаб тутилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуан кафолатлангани, амалга оширилаётган ислохотлар замирида, энг аввало, фуқаролар манфаатлари ётганини ҳавас билан эътироф этилди.

Янги маҳаллада бунёд этилган массив нафақат аҳоли турар-жойлари, балки яна қўлаб замонавий ижтимоий объектларни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, мактаб, спорт майдони, маҳалла гузарининг тез орада аҳоли ихтиёрига топширилиши қишлоқ бағридаги масканни кичик шаҳарчага тенглаштирди.

— Обод турмуш йили биз учун омадли келди. Шинам ва кўркам ҳовли-жойга кўчиб, турмушимизга фойда кирди, — дейди 5 хонали янги ҳовли-жой бекаси М.Юнусова. — Илгари биз, қишлоқ аёллари шаҳарлардаги турар-жойларнинг ошхоналаридаги шарт-шароитларни орзу қилардик. Мана, бугун худди шундай қулайликлар — иссиқ ва совуқ сув, замонавий иситиш тизимига эга ошхонамиз бор. 51-умумтаълим мактабининг янгидан қурилгани обод маскан фарзандлари учун айна мудабо бўлди. Маҳалламиз ўз номи билан кундан-кун чирой очиб бормоқда.

Дарҳақиқат, кўркам ва шинам, кенг ва ёруғ хонадонлар ҳаётимиз фаровонлигидан далолат. Зеро, юрти тинч ва осуда ҳалқ ана шундай улкан бунёдкорликларга қодирдир.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

ДИЛ СЎЗИ

КУНДАЛИК ИШ ИДОРАГА КЕЛМАСДАН БОШЛАНАДИ

Президентимизнинг жорий йил 24 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони тақдирланганлар рўйхатида ўз исми-шарифини кўриб, кўзларимга ишонмадим.



Сизлар ҳам қаранг, адашмайманми, дея маҳалла фаолларига газетани кўрсатдим. Ҳаяжондан юзгим орзиқиб кетди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига, айниқса, маҳалла тизимида меҳнат қилаётган аёлларга кўрсатаётган бундай эътибор ва ғамхўрликларидан беҳад фахрланам.

Ушбу вазифада 32 йилдан буён фаолият юритиб келмоқдам. Бу менга аввалги тузум ва мустақиллик давридаги ўзгаришларни таққослаш имкониятини берди. Илгари оддий котиба ҳозир маҳалланинг масъул котибига айланди. Эътибор ва масъулият кучайиб, вазифаларимиз қўлами кенгайди. Эндилда ишимиз фақатгина маълумотномалар ёзишдан иборат эмас.

лигини, одамлар тақдир ва ҳаётига бевосита дахлдор эканлигимизни маҳалла тизимида олиб борилаётган муҳим ислохотлар яққол қўрсатиб турибди. Шунингдек, маошсиз, жамоатчилик асосида фаолият юритган маҳалла фаоллари мустақиллик йилларида ўз меҳнатининг рағбатини топяпти.

Тўрт ярим мингдан зиёд аҳоли, 973 та хонадон, мингдан ортиқ оилани ўзида жамлаган йигинининг ўзига яраша қувончу ташвишлари кўп. Кунлик иш тартибимиз маҳалла идорасига етиб келгунга қадар йўл-йўлакай маҳалладошларнинг маслаҳатли уй-фикрларини эшитишдан бошланади.

Идора эшиги олдига ўқиш ёки ишга тавсифнома, кредит ва бошқа имтиёзлар учун кафолат хати олиш исгаидаги маҳалладошларимга дуч келаман. Кафилликни зиммамизга олиб, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ижтимоий шериклик алоқаларини йўлга қўйдик.

Халқ банки, Миллий банкнинг туманимиздаги филиалларидан 8 нафар фуқарога имтиёзли кредит олдирди ёрдамлашдик. Натигада йигинимизда тикув цехи, аёллар ва эркеклар сартарошхоналари ишга туширилиб, 20 га яқин ёшлар доими меҳнатга жалб этилди.

Шу ерда тугилиб, ўсганим учун ҳар бир маҳалладошимнинг оилавий шароити, хулқ-атворини яхши биламан. Бу ҳужжатлар ёзишда қўл келади. Ҳатто чет давлатларга ишлаш учун бориб келаётган фуқароларнинг маълумот дафтарларини юритиш ҳам «Маҳалла посбони»

жамоатчилик тузилмаси раҳбари билан бирга масъул котиб зиммасида. Бу бизга билдирилаётган ишончининг орگانидан дарак. Қабул қилинган барча қонун ва қонуности ҳужжатлари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам масъул котибларга алоҳида масъулият юклатмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий нафақаларнинг алоҳида маълумот дафтарларини юритиш менинг зиммамда. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 44-сонли қарорига мувофиқ айна вақтда 50 га яқин фуқароларимизга 2 ёшгача, 14 ёшгача нафақа ҳамда моддий ёрдам пуллари тўланмоқда. Бу каби янги қабул қилинган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар бир масъул котиб яхши тушуни олиши, қонунбузарлик, боқимандалик ҳолатларига йўл қўймаслиги зарур.

Бир сўз билан айтганда, бугун маҳалла тизимида ўз ишига виждонан ёндашиб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон эъзозу эътибор топмоқда. Менинг камтарона хизматларим ҳам мана шундай юксак унвон билан эътироф этилганидан бошим осмонга етди. Қолаверса, оддийгина қишлоқ аҳолининг шу қадар ҳурмат топаётгани барча аёлларни эзгу мақсадлар сари интилишга ундамоқда. Бунга ўзим истиқомат қилиб, фаолият юритаётган маҳалла мисолида ҳам кўриб турибман.

Гушод СИРОЖЕВА, Жомбой туманидаги «Эски Жомбой» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, «Дўстлик» ордени соҳибаси.



СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

«БЎЙРАПЎШ»ДА БАРЧА БИРДЕК АҲИЛ, ҲАМЖИҲАТ



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастуридан аҳолининг эконотациятини ошириш, ёш авлодни она табиятни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш вазифалари кенг ўрин олган. Ушбу режаси мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими ва бўлималари томонидан жойларда 70 дан зиёд тадбир ўтказилди. Уларда «Табиаат ўз уйини», «Роғун 13-си цинионидан ҳам катта хавф тугайди», «Тожикистон алюминий заводининг зарарли таъсири», «Хазон ва чиқиндиларни ёқилиш зарари» каби мавзулар, Узун ва Соросиё туманларидagi эконотацияни ўнлашга қаратилган акциялар кишиларида катта таассурот қолдириди. Уларда соҳа мутахассисларнинг фаол иштироки таъминлангани, айниқса, кутилган самарани бераётди.

Фонд мутасаддилари кўчаларда таъминлаш тадбирларига жиддий эътибор қаратишган. Вилоятдаги 29 та «Яшил майдонга жорий йилда 2 миллион 146 минг 800 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати, 4200 туп бута ва 70 минг туп гул кўчати ўтказилди.

Фонд вилоят бўлимининг кишлоқларда янги ташкил этилаётган ҳар бир замонавий аҳоли пункти яқинидаги 1,5-2 гектарга яқин ташланган ерларда боғ-роғлар яратиш ташаббуси вилоят ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Узун ўрмон ҳўжалигининг 26 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатларининг маҳалла фуқаролар йиғинларига етказиб берилиши натижасида Термиз туманидаги «Лимонзор», Жарқўрган туманидаги «Оқтепа», Ангор туманидаги «Қорасу», «Қумқиллоқ», Денов туманидаги «Оқтом» ва бошқа жойларда 0,5-1 гектардан иборат хиббон ва боғчалар, Шеробад ва Музрбот туманларида 1,5-2 гектар майдонга эга сўлим боғлар ташкил қилинди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамининг муносиб кўтиб олиш мақсадида айни пайтда ҳам вилоятдаги 833 та кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ариқ-зовурларни тозалаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари авжда.

Арал АБДУРАЗЗОҚОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.



Ўғиллой Саидмуродова Соросиё туманидаги «Бўйрапўш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси. Унинг маҳаллада фуқароларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига сафарбар этишда ўзига хос тажрибаси бор.

Айнан ушбу хизматлари, эришган кўлаб муваффақиятлари, узок йиллик самарали меҳнати учун Президентимизнинг жорий йил 24 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, раиснинг «Фидокорона хизматлари учун» ордениға сазовор бўлгани йиғин аҳлини ҳам гурурлантирди.

«Бўйрапўш» маҳалла фуқаролар йиғини обод ва кўркам, аҳолисини тинч ва фаровон яшайди. Кейинги йилларда бу ерда халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари равнақ топаётди. Қолаверса, кишиларнинг турмуш даражаси, маънавияти, дунёқарашни юксаклиги тумандагиға эмас, вилоят миқёсида ҳам намунали, дея эътироф этишға арзийди.

Эътиборли жиҳати шундаки, байнаимилал маҳалла — ўзбек, тожик, татар, рус, немис ва бошқа миллат вакиллари оғаниндек аҳил яшаб, маскан курган «Бўйрапўш»да ун беш йилдан буён бирорта ҳам жиноят содир этилгани йўқ. Бунга эришишда раис бошчилигидаги маҳалла фаолларининг — йиғин масъул котиби Зиёдулла Қаномов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчи Азизахон Аҳмедова, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Бахтиёр Шомирзаев ва нуруний отахону кайвони онахонларнинг хизмати катта бўлмоқда.

— Худуддаги оилаларнинг кундалик турмуши, кишиларнинг орзу-уйи, мақсад ва интилишларидан бошбармик маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширмоқда, — дейди Ў.Саидмуродова. — Тугри, баъзи оилаларда келишмовчилик, узаро низолар бўлиб туради. Биз фа-


олаб бундай вазиятларда дастлаб низони келтириб чиқарган омиллари аниқлашға, уларни бартараф этишға киришамиз. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, оилаларда моддий таъминотнинг пасайиши турли нохушликларға сабаб бўлади. Тизимли ва аниқ манзилли чора-тадбирлар қўлаш оқибатида, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туққизта оиладаги келишмовчиликларға барҳам бердик.

Шуниси диққатта сазоворки, йиғин раиси бундай вазиятларда бўйрапўшчиликнинг ички имкониётларидан унумли фойдаланади. Жумладан, биргина томорқачиликни ривожлантириш ҳисобига 250 тоннадан зиёд мева-сабзавот этиштирилди. 392 оиладан 150 таси иссиқхоначиликни йўлга қўйиб, қўшимча даромадға эга бўлди.

Худуддаги ишбилармон ва тадбиркорларға ваколатлар доирасида кўмак берилиши орқали аҳоли бандлиги таъминланаётди. Жумладан, Азимбек Жумаевнинг жорий йилда ишға туширган гишт заводида 70 нафар киши доимий иш ўрниға эга бўлди. Хўнар эгаларини қўлаб-қувватлаш натижасида яқинда иккита устахона иш бошлаб, унға яқин йиғит-қиз меҳнатта жалб этилди.

Хуллас, «Бўйрапўш» маҳалласида амалға оширилаётган эзгу ишлар аҳолининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органиға ҳўрмат-эътиборини кўчатишмоқда. Ў.Саидмуродовнинг фаолиятидаги муваффақиятларға эса, шубҳасиз, миллий бошқарувимизнинг таъсирчан бугуни — маҳаллаларға берилаётган улкан ваколат ва юксак ишонч муҳим омил бўлмоқда.

Мухбиримиз.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сўнги уч йилда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви томонидан 45 мингдан зиёд хондонға 50 тадан парранда тарқатилди. Натижада аҳоли оқсилға бой туҳум ва парҳез гўшти билан таъминланди. Хондонларда парранда боқиш йўлга қўйилгани сабабли бозорларимизда тўкин-сочинлик кузатилмапти.

Ховос туманидаги Чаманзор кишлоқ фуқаролар йиғинида яшаётган 28 минг нафардан зиёд аҳолининг 6 мингдан ортиги шў соҳада иш билан таъминланган.

Парранда боқишининг ўзига хос томони — жониворларни вақтида ветеринариға қўйилган ўққизиб, элиб турилишида. Вилоят ветеринария бошқармаси билан ҳамкорликда бўлимининг томонидан омилоб йўриқнома тайёрлаб, аҳолиға тарқатилди. Гулистон шаҳриға туташ Улуғбод кишлоқ аҳоли паррандачилик ҳадисини олган. Шў бос вилоят аҳолисининг туҳумға ва парҳез гўшта бўлган талаби тўлиқ қондирилмоқда.

Ешларға бу соҳа сирларини ўргатиш орқали уларни меҳнатта муносабатини шакллантириб, табиатта, жониворларда меҳрини ошириш мумкин.

Мазкур йўналишда Сирдарё туманидаги «Малик» маҳалласида ўзига хос тажриба тўплаган. Йиғинида истикомат қилаётган Меҳри Хайдарова, Рустам Орзиқулов, Муроджон Ниёзов, Назир Пулатов, Карим Тўйчиев каби фуқароларнинг хондонлариди 5-6 мингта товук боқилмоқда.

Энг муҳими, уларда касалликка чидамли, маҳаллийлаштирилган жўжаларни очиршиға иктиссослашган инкубациялар мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фондининг туман бўлиминиси маблағлари ҳисобидан 230 та кам таъминлаган оилаға тарқатиш учун мазкур хондонлардан 600 та товук харид қилинди.

Хуллас, парранда — ети хазинининг бири эканини сирдарёликлар яқини аниқлашди. Аир ҳар хондонда парранда парварлисини йўлга қўйиш олдимида турган асосий вазифалардан саналади. Зеро, барча ҳаракатларимиз замирида вилоятимиз аҳолисини парҳезлоб гўшт ва оқсилға бой туҳум билан таъминлашдек хайрли мақсад мўжасдем.

Бахтиёр ТАВБАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ТАРҒИБОТ

МЕҲРДАН ЯШНАР КЎНГИЛ



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви ҳамда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ўртасида маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлодни баркамол воғға етказиш, шунингдек, глобаллашув давридаги турли ёт иллатлардан ҳимоялаш борасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида жорий йилнинг шу давриға қадар вилоятдаги 352 та кишлоқ ва маҳаллада «Меҳрдан яшнар кўнги» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Унда Фондининг вилоят бўлими бошқаруви Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, хотин-қизлар қўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда «Оила — муқаддас қўрғон», «Ота-она — оила таянчи», «Оилада шарқона садоқат» мавзуларида 1,3 мингдан зиёд давра суҳбатлари уюштирилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизнинг барча маҳаллаларида тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида умумтаълим мактаблари, касб-ҳўнар коллежлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиларидан иборат 52 та тарғибот гуруҳи тузилди.

Улар ташуубуси билан шу даврга қадар «Аёл борки, олам мунаввар», «Жаннат — оналар оёғи остидадир» каби мавзуларида 138 марта маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Буларға 25 минг нафардан зиёд ўқувчи-ешлар жалб қилинди.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ва бандликни таъминлаш, тиришишға бағишланган «Оила ободлиги — фаровонлик асоси», «Ортимиз тинч ва ҳароватли, ҳаётимиз — файзли ва тароватли» мавзуларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларға 11 минг нафарға яқин ешлар ва 9,5 минг нафардан зиёд хотин-қизлар иштироки таъминланди.

Маънавият тарғибот маркази, ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари ҳузуринида Маърифат ва маънавият масалалари буйича комиссия ишини намунали йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликда амалға оширилаётган тарғибот ва маънавий-маърифий тадбирлар ешларимизнинг юксак маънавият, қомил инсонлар бўлиб воғға этишишларига йўналтирилган.

Бу жараёнда Фонд ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган спорт мусобақалари, хусусан, «Футболимиз келажак», «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби турнирлар ҳамда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Энг намунали хондон», «Энг аҳил оила» кўрик-танловлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчилари», «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» каби танловларини ўтказишда Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорлик асосида иш олиб борилаётгани кутилган натижаларни бермоқда.

Маънавият тарғибот маркази, ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари ҳузуринида Маърифат ва маънавият масалалари буйича комиссия ишини намунали йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликда амалға оширилаётган тарғибот ва маънавий-маърифий тадбирлар ешларимизнинг юксак маънавият, қомил инсонлар бўлиб воғға этишишларига йўналтирилган.

Алишер НУРБОВЕВ, Республика Маънавият тарғибот маркази Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси.

КОРХОНА-КОЛЛЕЖ

БИТИРУВЧИГА ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Ёш авлодни ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсонлар этиб воғға етказиш мамлакатимиз истиқболини белгилайди. Бу борада юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришға доир аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида ҳам ушбу ҳамкорликни тўлақонли амалға ошириш, хусусан, умумтаълим мактаблари битирувчиларини қизиқтириш доирасида касб-ҳўнар коллежлариға жойлаштириш, коллежлари таъминлаш йиғит-қизларини мутахассисликлари буйича меҳнатта жалб этишда илгор тажриба тўпланган.

Тумандаги 59 та умумтаълим мактаби, 9 та касб-ҳўнар коллежи ва академик лицей, мактаб-интернатларнинг

педагогик жамоалари билан белгиланган режа асосида мунтазам иш олиб борилаётгани бу борадаги вазифаларнинг самарали ижро этилишини таъминлашға. Жумладан, жорий йилда «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг туман босқичида голиб чиққан «Еш гайрат» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бой тажриба ибратта лойиқ. Хонназар Очилов етакчилик қилаётган маҳалла аҳлининг аксариятини ешлар ташкил этади. Еш авлод

вакиллариға кўрсатилаётган муносиб эътибор ва ғамхўрлик худуд осойишталиги ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда омил бўлаётди.

— Маҳалламиздаги касб-ҳўнар коллежларида 253 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, — дейди йиғин раиси Х.Очилов. — Шундан 23 нафар йиғит-қиз олий ўқув юртиларида билим эгаллаш билан машғул. Қолган барча болалар ҳам доимий эътиборда. Айниқса, битирувчиларини ишға жойлаштириш масаласи изчил амалға оширилаётди.

Таъкидлаш жоизки, касб-ҳўнар коллежларини битирган ешларнинг ишға жойлаштириш маҳаллада жиддий муаммо эмас. Биргина Обод турмуш йилда касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларидан 74 нафар йиғит-қиз қўйинчиликсиз ишға жойлашди. Бунда «Еш гайрат»даги кишлоқ врачлик пункти, 5 та фермер ҳўжалиги, устахоналар ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари билан ўқув йили бошида битирувчиларни ишға жойлаштириш буйича тузилган уч томонлама шартномалар асқотди. Хусусий тадбиркорлик билан шугулланиш истиғидида 10 нафарға яқин йиғит-қизнинг интилишлари маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қўлаб-қувватланди.

Айни пайтда уларнинг имтиёзли кредит олишлариға амалий ёрдам кўрсатилаётди. Яқинда туман маданият ва истироҳат боғида ўтказилган меҳнат ярмаркасида уч нафар битирувчининг ўзига мос иш топгани ҳам маҳалла фаолларининг бу борада олиб бораётган тизимли фаолиятидан нишона.

МухаммадҲон АЗИМОВ «Mahalla»

ИБРАТ

ОЙДИН ВА МУНАВВАР КЎЧАЛАР

— Бахтиёр ака, ишдан қўйдаётиб, кўча муолишида чиқинди ташланганиға кўзим тушди. Бунини тезда бартараф этмасак бўлмайди. Ахир, тозалик маҳалламизға кўрк ва файз бағишлайди.

Қўшни аёлнинг бу гапини эшитган Бахтиёр кеч тушганиға қарай, муолиши томон шовди. Йўл-йўлакай 4-5 нафар ешни ёниға олиб, чиқиндиларнинг тезда бартараф этди.

Бу Гулистон шаҳридаги «Аҳиллик» маҳалласининг Садриддин Айний номидиға кўча бошлиғи Бахтиёр Нуъмоновнинг иш фаолиятидан бир давҳа. Айни пайтда жонкўяр, эл ташвишини узиники, деб биладиган, халқ ўрта-сида сузи ўтадиган инсонлар кўча боши бўлаётгани худудлар ортастигини таъминлашда кўл келмоқда.

«Аҳиллик» маҳалласи худудида 12 та кўча мавжуд. Кўчаларға сайланган етакчилар жамоатчилик асосида ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

— Кўча боши этиб маҳалламизда барча соҳада амалға оширилаётган ислохотларда фаол, аҳоли хавфсизлиги ва осойишталиги, худуд ободлиги ва тозаллигини таъминлашға қодир, аҳоли орасида обрў-эътиборға эга кишилари сайлаганмиз, — дейди «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бурҳон Шерматов.

Атроф-муҳит тозаллиға эътибор қаратиш, худудлар осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш кўча бошлиқларининг асосий вазифасидир. Чунки айни пайтда оғоҳ ва ҳушёр бўлишни даврининг ўзи тақозо этмоқда.

— Кўчамиздаги 34 та хондонда





ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Юртимизда аҳолининг эhtiёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борадаги ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви, туман ва шаҳар бўлинулари томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Зулхумор ЖУРАЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЙИГИНДА ҲОКИМ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси — жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Зеро, бу тизим орқали жамият ҳаётида ижтимоий адолат барқарорлиги таъминланиши билан бир қаторда, кўплаб муаммолар самарали ечим топаётди.



Эътиборлиси, юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилган.

Иброҳим БЕК «Mahalla»

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РУҲИДА



Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг қалби ва онгида она-Ватанга садоқат, фидойилик, юртнинг эртани кунига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент вилоят бўлими томонидан олиб борилётган ишлар эътирофга моликдир.

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиёналари арафасида жойларда хотин-қизлар кумитаси, «Камолот», «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ҳарбий соҳа вакиллари, зиёлилар иштирокида турли мавзуларда учрашувлар ўтказилмоқда.

— Айтиш мумкин, «Маҳалла»нинг 4 нафар фарзанди йигитлик бурчини адо этаяпти, — дейди Қўрай туманидаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ғанишев Эргашев. — Уларни бу муқаддас сафарга «Камолот» ЕИҲ туман кенгаши, «Нуроний» жамғармаси туман бўлини билан бирга, кўтаринки кайфиятда кузатиш. Яқинда Самарқанд шаҳрида хизмат

қилаётган Сирожиддин Қодировнинг онасига ҳарбий қисман «Ташаккурнома» келди. Бундан нафақа унинг оиласи, балки бутун маҳалла аҳли қувонади.

Маҳалла ҳудудида жойлашган замонавий спорт майдони ёшларни ҳарбий хизматга шайлигини ошириш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини кучайтиришда омил бўлаётди. Барча шарт-шароитларга эга иншоотда спортнинг кўпгина турлари бўйича юзлаб ўсмирлар ўз иродаларини тоблаб, ҳарбий хизматга йўл олишади.

Фондининг вилоят бўлими томонидан мuddатли ҳарбий хизматини ўтаб келган йигитларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирлар, шубҳасиз, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбига мардлик, жасорат, буюк аждодаларимизга муносиб авлод бўлишига қўрқинчлиқ билан қўйиладиган чучуқ синдиришга қўл келмоқда. Зеро, юрт тинчлигини, ҳақ осовийшталигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш ҳар бир йигитнинг энг муқаддас бурчидир.

Нурилла ЧОРИЕВ «Mahalla»



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Айни пайтда Фарғона вилоятида юздан ортиқ болалар спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида вилоят ҳудудида 15 та янги спорт мажмуеси қуриляпти. Жумладан, Фарғона шаҳрида 3 та янги спорт маскани ва Риштон туманида битта спорт мажмуеси барпо этилди. Сўх, Фарғона, Қува туманлари, Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги умумтаълим мактабларида замонавий спорт заллари қад ростламоқда.

Маъруфжон ТУРДИМАТОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали директори.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН БУНЁДҚОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИДИР

Бунёдкорлик хусусида сўз кетганда, Фарғона вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ҳамда қайта қуриш ишлари натижасида шаҳарнинг янгича қиёфа ва салобат касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айниқса, чекка қишлоқлар, турар-жой массивларида фойдаланишга топширилган замонавий янги уйлари байрамга ҳамоҳанг тарзда уй тўйлари ўтказилмоқда. Жорий йилда Фарғона вилоятидаги 30 та қишлоқ массивида 850 та намунавий лойиҳадаги уйлари ўз эгаларига топширилади.

Жой номлари — қадриятлар тинсоли

ТАФАККУР ВА ТУРМУШ ТАРЗИГА УЙҒУН



Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини йигирма икки йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўлкаши тўғрисида»ги қарорига кўра, Фарғонада ўтган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» ширини асосий ғоя сифатида ўзида мукассам этган кўрик-танловда «Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича энг яхши шаҳар ва туман ҳокимлиги» номинациясида Қувасой шаҳар ҳокимлиги биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Бу бежиз эмас, албатта.

бунёдкорлик, қайта қуриш, ижтимоий объектлар кўламини кенгайтириш, иш сифатини яхшилаш, янги гузар, болалар майдончалари барпо этиш борасидаги қайра ишлар поёнига етмоқда. — Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари инсон манфаати, унинг фаровон турмушига хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси Акрамжон Йўлбарсов. — Маҳаллалар ҳудудларини обод қилиш, кўккаламзорлаштириш, сув йўллари ва бошқа коммунал тармоқларини тартибга келтириш, янги гузарлар қуриш, мавжудларини реконструкциялаш борасида талай ишлар амалга оширилади. Бундан ташқари, ёшларнинг бун

вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш мақсадида болалар спорт майдонлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари ҳам олиб борилади. Биргина Фарғона шаҳридаги Нодирбеғим, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек номларидаги, шунингдек, «Ифтихор», «Гулоэр», «Янги йўл», «Аэропорт» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида намунавий лойиҳадаги болалар спорт майдончалари қуриб битказилди. Шаҳар марказини А.Қодирий мавзеси билан боғлайдиган Қувасой кўчасида бунёд этилган «Болалар истироҳат боғи» бугунги кунда болажонларнинг севили масканига айланган. Истиқлол байрамга ҳам

оҳанг кўлаб ижтимоий, маданий иншоотлар фойдаланишга топширилади. Вилоятда замонавий дам олиш хиёбонлари, йўл ва йўлақлар, кулрик ва фавворалар мажмуесини қуришга доир ишларни поёнига етказиш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқарган. Маҳалла тизими фаоллари қурувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилиб, уларга амалий ёрдам беришяпти. «Гуззал» ва «Машғал» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига фойдаланишга топширилган мушқали фавворалар бугунги кунда барча фарғоналиклар ва меҳмонларнинг энг сулим, севили дам олиш масканига айланган. Шунингдек, Қувасой кўчасида қад ростлаётган ёшқ сузиш ҳавзаси, минг уринли

санъат саройи, бир вақтнинг ўзида 20 минг футбол ишқибозини бағрига оладиган стадион ва унга ёндаш футбол мактабини қуриш ишлари жадал олиб боришмоқда. Муҳтасар қилиб айтганда, Фарғонанинг қай бир ҳудуди, маҳалласига борманг қурувчилар, унум билан ишлаётган қудратли техникаларнинг ҳаракатига гувоҳ бўлаётиз. Шаҳар марказида 34 та кўпқаватли турар-жой, уларга ёндаш маҳалла марказлари, савдо ва бошқа маънавий хизмат кўрсатиш тармоқларини қуриш ишлари поёнига етмоқда. Шаҳар об-ҳавосини мўтадиллаштиришга хизмат қилувчи сув йўллари барпо этиш, мавжудларини таъмирлаш ишлари бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ.

катта-катта майдонлар, биноларни беэаб турган ўзбекча номавр, шиор ва лавҳаларни қуриб, буларнинг барчасини одатий бир ҳол сифатида қабул қилади. Ваҳоланки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача қуришга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номаврлари ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганлигини билмай қолар эдингиз...» дея таъкидлайди. — Географик объектларнинг номаври тўғрисида қонун талабларига зид бўлган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида барча ҳудуд ва ташкилот, ишлаб чиқариш тармоқлари, аҳоли ўртасида «Жой номи — тарих қузғуси» мавзусида тарғибот ишлари олиб борилади, — дейди Маънавият тарғибот маркази Қувасой шаҳар бўлими раҳбари Т.Илясов. — Илгарилари «Қизил аскар» ва «Коммуна» номи билан юритилган маҳалла фуқаролар йи

гани бугунги кунда «Юқори Мўна» ва «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини сифатида эътироф этилди. Шунингдек, Чек қишлоқ фуқаролари йиғини қишлоқ қўйлаб оқиб ўтувчи тарихий Исфайрам-си номи билан амаштиради. Чунки бу номаврни эшитган одам мана шу ҳудуд, унинг одамлари, табиати ҳақида маълум тушунчага эга бўлади. Қолаверса, жой номаврлари таллашда маҳаллий аҳоли ва тарихчи оламаврнинг фикр-мулоҳазаларига алоҳида эътибор қаратилади. Узагини англаган халқнинг келажига порлоқ бўлади. Бунда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида мукассам этган жой номаврини билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи ўз аксини топади.

Расул КАМОЛ «Mahalla»



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ


Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари Хоразм вилоятига ҳам ўзгача кўрк бағишлади. Аynиқса, Президентимизнинг «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу вилоят марказида бир-бирдан кўркам бинолар қад ростлашда ҳамда кўпқаватли уйлار ва кам таъминланган оила хонадонларини таъмирлашда алоҳида кўзга ташланмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига 119 та моддий кўмакка муҳтож оилаларнинг турар-жойларини таъмирлаш мақсадида Фонднинг шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан 102 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Урганч шаҳридаги мавжуд 526 та кўпқаватли уйнинг олди қисми таъмирланиб, чиройли ҳолатга келтирилди. 390 та кўпқаватли уйнинг йўлаклари оқланди. 110,2 гектар ер майдони ободонлаштирилди. 957 та кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилган бўлса, 285 таси қайта таъмирланди. Техноген ва табиий офатдан зарар кўрган ўн та хонадонга моддий ёрдам берилди. Меҳрибонлик уйида тарбия кўрган 11 та ёш оила уй-жой билан таъминланди. Уларга ётоқхона мебель жамланмалари, ошхона анжомлари совға қилинди.

Қурбонбой ДУСТМАТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси.

МАҲАЛЛА — ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛГА ДАҲЛДОР ТҮЙҒУ

Мустақиллик шодиёналари арафасида
Хива тумани марказий маданият уйи қошидаги
«Сайқал» этнографик-фольклор оилавий ансамблига
«Халқ ансамбли» унвони берилди.



Бу хушxabар санъатта шинаванда ҳар бир хоразмликка катта қувонч, кутаринкилик улашди. Бардибой Шерматов бошчилигидаги мазкур «Халқ ансамбли» Ичонқалъанинг Кўҳна Арк мажмуасида ўтган Мустақиллик байрами тантаналарида жўшиб халқ кўшиқлари, ялалар ижро қилишди. Буни қўзғатган хоризмлик сайёҳлар ҳам беихтиёр олқишу рақсларга кўшилиб кетишди.

— Аввало, мен ҳам бошқа ҳамроҳларим каби юртингизнинг Мустақиллик байрами шодиёналарида қатнашаётганимдан жуда мамнунман, — дейди Германиянинг Берлин шаҳридан ташриф буюрган сайёҳ Ингрид Нордхольд. — Бу байрам тимсолида Ўзбекистон чиндан ҳам буюк давлат, келажиги порлоқ мамлакат эканини ҳис қилдим. Дунё халқларининг фольклор санъатига жуда қизиқман. Бугун бу ерда «Сайқал» оилавий ансамбли хонандаларининг халқ термаларини айтиши, миллий рақсларининг моҳирона ижро этиши ҳайратимни оширди. Фольклор элларни, дилларни туташтирувчи қудратли куч, умуминсоний қадрият эканига яна бир бор амин бўладим. Бойси бу лаларларда инсоннинг юрак торларини чертувчи жозива, сеҳрли куч бор.

Бардибой Шерматов бошчилигидаги оилавий ансамбль Наврўз, Мустақиллик байрамларида, республика ва халқаро миқёсдаги қатор нуфузли анжуманларда гоҳий-тематик ва бадиий хусусиятлари билангина эмас, балки юксак ижро услуби билан ажралиб турувчи фольклор кўшиқлари, ялалари, термалари, халфачилик санъати намуналарини маҳорат билан кўйлаб, шўҳрат қозонмоқда. 2010 йил 8-9

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ ТИББИЙ КҮРИК — БАҲТЛИ ТУРМУШ АСОСИ



Бугун Ўзбекистон фарзандлари жаҳон майдонларида
жонажон Ватанимиз байроғини баланд кўтаришмоқда.
Бундан йигирма икки йил аввал бошланган оилаларда
соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу ҳаракат
бугун барчанинг масъулияти вазифасига айланди.

Инсон саломатлигига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган. Хусусан, 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низоми»ни тасдиқлаш ҳақидаги» Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлашни натижасида мамлакатимизда соғлом оилалар шакллантирилиб, ирсини таъминлаш ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олди олинмоқда.

Худудларда маҳаллалар фаоллари ва соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамкорликда турли учрашув-мулоқотлар уюштириб, аҳолига мазкур қарор мазмун-моҳияти ва тиббий кўриқнинг аҳамиятини тушунтирмоқда.

Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, хусусан, тўйдан олдинги тиббий кўриқнинг афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари томонидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

тарғиб этувчи «Саломатлик маркази» ходимлари, кишлоқ врачлик пунктлари мудирлари ва акушер-гинеколог, кайвони онахонлар, маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар кўмиталари мутахассисларидан иборат махсус гуруҳлар тузилган. Жорий йилнинг шу даврига аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, ҳар томонлама баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилган 250 га яқин тадбир, 110 дан зиёд учрашув, 110 га яқин давра суҳбати, 6 та мулоқот ва 4 та семинар ўтказилди.

Вилоят «Саломатлик маркази» ходимлари билан биргаликда худудлардаги ҚВПларда, шунингдек, 67 та коллеж ва 412 та умумтаълим мактабида устоз ва талабалар ўртасида «Соғлом она — соғлом бола», «Эрта турмуш — келтирар ташвиш», «Тиббий кўрик — бахтли турмуш асоси», «Зарари одатлар», «Репродуктив саломатлик нима?», «Кўкрак сутининг аҳамияти» мавзуларида мунтазам суҳбатлар ташкил этилмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Саломатлик маркази» ходимлари ва бошқа тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда 17 та ўқув-семинар ўтказилди. Фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳафтанинг ҳар чоршанба кuni «Саломатлик кuni» деб белгиланган. Шу кuni тиббиёт ходимлари томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлашга бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. «Булажақ келин-кўевларга», «Еш ота-оналарга», «Тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Камқонлик ҳақида нималарни биласиз?», «Мен бахтли она бўламан» мавзуларида тайёрланган беш юздан зиёд буклет тарқатилди. Мазкур сайёҳаракатлар инсон саломатлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётган.

Маърифат БОБОЖОНОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Хоразм вилояти бўлими
бош мутахассиси.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтимизнинг
Олмазор туманида истиқомат қилувчи 102 ёшли
Арипа Сайдусмоновнинг
хонадони бир ҳафтадан
бўён ҳар кuni гавжум.
Сабоби, табарруқ онахон
Президентимиз Ислам
Каримовнинг шу йил 23
августдаги фармони
биноин «Шўҳрат» медал
билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усмонов маҳалла
фаоллари доирасида
Арипа аяни Президентимиз
Ислам Каримов
номидан табриклов,
давлатимизнинг ушбу
юксак мукофоти ва
байрам совғаларини
топширди.

Тошкентнинг Эски
шаҳар қисмида туғилиб,
айни пайтда Ҳасимом
маҳалласида умргузорлик
қилаётган Арипа ая
болалигидан тикувчилик,
гулчилик каби хунарларни
пўхта эгаллаган. Узоқ
йиллар фабрикада тикувчи
бўлиб ишлаган. Турмуш
ўртоғи билан фарзандларини
меҳнаткаш инсонлар
қилиб вояга етказган.

Ҳозир неварачевларига,
маҳалладошлари ардоғида.
Фарзандлари билан
бирга пиру бадавлат
яшаётган онахоннинг
дусини олиш маҳалланинг
турмушга чиқётган
қизлари учун аянага
айланган.

Табарруқ онахон
халқимиз эришаётган
ютуқлар, мустақиллик
шўҳраси, булунгидек
тинч, фаровон кунларнинг
қадрига етиш ҳақида
сўзлар экан, дуога кўл
очади:

— Илоҳим, юртимиз
тўқ, Юртбошимизнинг
умрлари узоқ бўлсин,
дустурхонларимиз тўқин,
фарзандларимиз соғ-
саломат ва бахтли
бўлсин!..

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН ТОЗАЛИК — ФАЙЗУ БАРАКА ОМИЛИ



Халқимизда азалдан маҳалла-кўй озодлагани, худудлар
орасталигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади.
Айниқса, бу аяна шодиёналар арафасида ташкил этилиши
юртимиз файзига файз қўшиш билан бирга, байрамни муносиб
қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари этиб белгилангани боис «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари ҳамда пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан аҳоли ўртасида тозалик ва санитария меъёрларига риоя этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашиш юзасидан тарғибот ишлари олиб борилади.

Умумхалқ хайрия ҳашари давомида 1,1 млн.га яқин аҳоли қатнашди. 1174,2 гектар майдон ободонлаштирилди. 1607 тонна қуриш ва маиший чиқиндилар тўпланиб, махсус жойларга чиқариб ташланди. Шунингдек, 883,2 км. масофадаги ариқ ва зовурлар тозаланиб, кўпқаватли бинолар ва ҳовиллар атрофи, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, болалар майдончаларини тартибга келтирилишида йиғинлар ҳузуридаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари ҳам фаол қатнашди.

— Маҳалламизда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ёлғиз пенсионер Зўрнисо Қосимованинг 46 квадрат метр уй-жойини таъмирлаш ҳамда ҳовлисини ободонлаштиришга кўмаклашдик, — дейди Яқкасарой тумани Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла Содиқов. — Ҳар доим йиғинимиз аҳли бу эзгу аянага бош қўшади, ҳомийлар ўз ёрдамларини аямайди. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро Ватан тақдирига даҳлдорлик ҳисси билан яшаётгани кунгилларга қувонч бахш этади.

Узаро аҳиллик, бирдамлик, яратилиш ва яшнатилиш иштиёқида яшаётган халқимиз кутлуг сана муносабати билан юртимизнинг ҳар бир қарич ерини файзиёб масканга айлантиришга бел болаган. Айниқса, жажжи фарзандларимизга байрам тўғрисида сифатида кўплаб маҳаллаларда болалар майдончаси барпо этилиб, мавжудлари таъмирлангани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 182 та болалар майдончаси атрофи кўкаламзорлаштирилиб, тартибга

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ДОРИЛОМОН КУННИНГ ҚАДРИ, СУРУРИ БОР

Бугун ер юзидagi барча халқлар учун тинчлик сув ва
ҳаводек зарур. Бу борада мамлакатимизда Юртбошимиз
раҳнамолигида сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш,
фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш,
уларнинг осуда ҳаёт кечирishi йўлида амалга
оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Энг буюк неъмат — тинчликни асрашда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг худудий тузилмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви, туман бўлинмалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда тинчлик-осойишталик ва ҳафсизликни сақлаш, огоҳлик ва хушёрликни оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ҳамкорликни тизимли ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкент шаҳридаги 475 та маҳалла фуқаролар йиғинида 469 та «Маҳалла посбони» жамоатчи-

лик тузилмаси фаолият олиб бормоқда. 261 нафар тузилма раҳбари алоҳида хизмат хоналари, соҳага оид адабиётлар ва услубий қўланмалар билан таъминланган.

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари бошчилигида фаолият юритаётган 3736 нафар тузилма аъзолари утган давр мобайнида 17 мингта яқин ҳуқуқбузарликлар ҳамда тўрт юзга яқин жиноятларнинг олдини олишда фаол иштирок этишди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани «Гулбод» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари Тоҳир Султонов ёш бўлишига қарамай, жонқурлиги, ўз вазифасини сидқидилдан бажариши билан маҳалладошлари ўртасида ҳурмат қозонган.

— Маҳалламизда 13 та миллатга мансуб 8 миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Т.Султонов. — Уларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш маҳалла фаолларига катта масъулият юклайди. Ҳозирги кунда йиғинимизда Мустақилликнинг 22 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмақда. Маҳалламизда 32 та кўпқаватли ва 31 та якка тартибдаги уй мавжуд. Уларга 15 нафар тузилма аъзолари бириктирилган. Айни пайтда худудимизда кечая кундуз навбатчилик ташкил этилган. 15 нафар тузилма аъзолари 3 гуруҳга бўлинган ҳолда ҳар кuni ички кўчаларни айланиб, аҳоли ўртасида огоҳлик ва серграбликни бир зум бўлсин эсдан чиқармаслик тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

«Гулбод» маҳалла фуқаролар йиғини худудда 41-умумтаълим мактаби ва 141-болалар боғчаси жойлашган. Посбон томонидан ушбу таъмин-тарбия муассасалари ходимлари ўртасида огоҳлик бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётган.

Ҳа, тинчлик — энг катта бойликдир. Дориломон кунларда дуога қўл очган отахон онахонлар Яратгандан юрт осойишталигини сурашлари бежиз эмас. Зеро, ҳар қандай тараққиёт негизинда тинчлик мужжасам.

Гульҳа НАБИЕВА
«Mahalla»



«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ — 2013»

ФАҚАТ МАҲОРАТ ЭМАС, ДЎСТЛАР ҲАМ КЎПАЯДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Инсон ҳаётида спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Зеро, жисмонан ва руҳан чиниққан кишининг ишида унум ва барака бўлади, умри хушнудликда ўтади.

Мамакатимизда спортнинг барча турларини изчил ривожлантириш, аҳоли, хусусан, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 700 минг нафарга яқин болалар спорт билан мунтазам шугулланаётди.

Истиқлол йилларида миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилмоқда. Бир неча йилдирки, «Маҳалла» хайрия жамоат фон-

ди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Маҳалла» мусобақалари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Натижада ёшлар ўртасида миллий курашга бўлган қизиқиш тобора ошиб, катта спорт учун муносиб ворислар етишиб чиқаётди.

Яқинда ушбу турнирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ташкиллаштирилган ҳудудий босқичи низоҳосига етди.

Мазкур мусобақанинг жорий йилги беллашувларида 1999-2000 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар тўрт вазн тоифасида

голиблик учун кураш олиб бордилар. Ёшларнинг руҳий-жисмоний, маънавий камол топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётган мазкур спорт беллашувининг нуфузини турнирнинг юртимиз бўйлаб тўққиз мингга яқин маҳаллани қамраб олгани, унда жами 160 минг нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этганида ҳам кўриш мумкин. Бу кўрсаткич утган йилги иштирокчилар сонидан 20 минг нафарга кўпдир. Ҳал қилувчи — республика босқичида эса турнирнинг ҳудудий босқичларида голиб бўлган 80 нафардан зиёд ёш спортчи узаро куч синашади.

— Маҳаллаимизда ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди мусобақанинг Навоий вилояти босқичи голиби, Хатирчи туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини вакиласи Гулбаҳор Ҳуроқова. — Ота-онам ва маҳалладошларим ишончини оқлаб, бош соврин учун курашни давом эттираётганимдан хурсандман. Муҳими, беллашувлар давомида кўплаб дўстлар орттирдим, маҳоратим ошди. Кейинги учрашувлар янада муросасиз бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун тайёргарликни су-сайттирганам йўқ.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида миллий курашимиз бутун дунёда оммалашган спорт турлари қаторидан жой олди. Шу тарзда халқаро мусобақалардаги галабаларнинг қадрини ҳам юксалиб бормоқда. Бундай муваффақиятларга маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган шу каби турнирларда ҳам пойдевор қўйилаётгани аҳамиятлидир.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистонда спорт нафақат ўсиб келаётган ёш авлод ва тўрт мучаси соғ одамлар, балки жисмоний имкониятлари чекланган ва ногиронлар ўртасида ҳам оммалашиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан турли сабабларга қўра жисмоний имкониятлари чекланган инсонларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг таълим олиши, ишлаши ва ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Натижада бугун ногирон-ампутантлар футбол жамоаси халқаро майдонларда Ватан шарафини ҳимоя қилишда ҳеч кимдан қолдишмаслигини исботлади. Ана шундай матонатли, жасур, моҳир ампутант-футболчимиз Абдужамил Шукуров Учтепа туманидаги «Тақачи» маҳалласида истиқомат қилади.

— Ватанимиз мустақилликка эришгач, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, — дейди Абдужамил Шукуров. — Саккиз ёшимдан футбол билан шугулланаман. Ун олти ёшимда

кўнгилисиз ҳодиса туфайли бир оёғимдан ажралдим. Аммо руҳимни чуқурмай, ўзимда куч топиб, футболга қайтдим. Бошида анча қийин бўлди, йиқилдим, туртиндим, шикастландим. Тинимсиз машғулотлар натижасида ҳассани ҳам унутиб юборадиган даражада тезкор ҳужумчига айландим. Аини пайтда «Байналмидал» футбол жамоасининг сардориман.

Юртимизда интилувчан инсонлар учун барча соҳада кенг имкониятлар яратилган. Улардан унумли фойдаланиш ва куч-қувватини, истеъдодини эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этиш инсоннинг ўзига боғлиқ.

Дарҳақиқат, меҳнат, сабр-тоқат, матонат кишини тоблайдди. Қаҳрамонимиз беш мартаба 1990, 1991, 2007, 2010, 2012 йиллар жаҳон чемпиони бўлган. Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионлики қўлга киритиб, жасорат ва

матонат намунасини кўрсатгани, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилгани учун Президентимизнинг 2007 йил 22 ноябрдаги «Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан, Абдужамил Шукуров «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланган.

— Маҳаллаимизда иккита спорт майдончаси бор, — дейди «Тақачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирюнус Юнонусов. — Абдужамил ўз машғулотларида вақт ажратиб, уларда болаларимиз билан футбол ўйнайди. Спортнинг қонун-қоидалари, сирасорларини ўргатади. Унга ҳавас қилиб, спортни дўст тутатган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Маҳаллалар ўртасида ўтадиган дўстлик мусобақаларида йиғинимиз ёшлари кўп бор голиб бўлишган. Абдужамил шунчалар иродали инсонки, уни барчага намуна қилсак арзийди. Айримлар чемпионимиздан ибрат олсин, жасорату меҳнат билан инсон нималарга қодир бўлишини ўргансин. У маҳаллаимизнинг, мустақил юртимизнинг фахри, ифтихоридир.

Мухтасар айтганда, юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва спортчиларимизнинг йирик мусобақаларда қўлга киритаётган улкан ютуқлари натижасида Ватанимиз дунё ҳамжамияти томонидан спорт мамлакатини сифатида эътироф этилмоқда. Юртимизда спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган экан, халқаро миқёсдаги ютуқларимиз бундан буён ҳам юксалиб бораверади.

Дилдора ҚАРШИБОВЕВА
«Mahalla»



Аҳмад ТўРА олган сурат.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки (ОАЖ)
Сизларни энг улғу,
энг азиз айём —
мустақиллигимизнинг
22 йиллик байрами
билан табриклайди.
Шу билан бирга қуйидаги
миллий валютадаги
муддатли янги омонат
турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛАЛИК — 2013»

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан
(12 ой) сўнг берилади.**

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва
кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди
томонидан кафолатланади.**

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланган!

Хизматлар лицензияланган!

Газетанинг навбатдаги сони 7 сентябрь, шанба куни чиқади.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла»
хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами
билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73



Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейлик
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиёва
Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.